**КЕЧИРМОҚ — ИШОНМОҚ ДЕМАК**

Одамийликнинг илиқ ҳарорати қаршисида чилланинг совуғи ҳам чекингандай эди. Кўчада Сойибжон ака дарвозахонадан чиқиб келган ўғли Холиқжонни бағрига босди. 3 бет

**ЮРТ ТАЯНЧИ, ЭЛ ҒУРУРИ**

Яхши парвариш топган ниҳол қуёшга талпиниб, гуркираб ўсгандек, ота-она меҳридан, жамиятнинг эътиборидан баҳра олган ёшларимиз ҳам баркамол вояга етишига умид қилсак бўлади. 4 бет

**ҲАМКОРЛИГИМИЗ ДАВОМ ЭТАДИ**

Баъзан, юзага келган арзимас муаммоларнинг жойида ҳал этилмаслиги ёки аризабозликларнинг кўпайиб кетиши кўпинча ҳуқуқ ва бурчларнинг етарли даражада билмасликдан юзага келаётгани афсуски бор гап. 9 бет

**БЎРИЛАР ТУНДА УХЛАМАЙДИЛАР**

Қизларим, дада, уйимизда бўри бор, деса ишонмадим. Бир ит кириб олгандир деган ўйда уйга кирсам, не кўз билан қарайки, бир кўк бўри ётибди. 12 бет



Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2008-yil 3-yanvar, № 01 (574)


**2008 йил — Ёшлар йили**



## КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

Ҳар бир тарихий даврнинг ўз мақсад ва вазифалари бўлади. 1991 йилда ҳаётимизда юз берган ўзгаришларни тарихий бурилиш деб қабул қилсак, асло муболаға бўлмайди. Зеро, айнан шу йили ўзбеклар диёри асрлар давомида орзу қилиб келинган мустақиллик мақомига эга бўлди.

Хўш, мустақилликнинг ўзи нима? Нега биз бу тушунчани бу қадар эъзозлаб келмоқдамиз? Ўтган 16 йил давомида мустақиллик бизга нима берди?

Бу саволларга турлича жавоб бериш мумкин, албатта. Бироқ сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, мустақиллик биринчи галда ҳуқуқ тушунчаси билан узвий боғлиқлигини кўрамиз. Бу мустақиллик бизга эркинлик, ҳурлик келтирди, ўзлигимизни англаш, қадриятларимизни тиклаш, динимиз, урф-одатларимизга қайтиш имкониятларини берди. Айниқса, қарияларимизга ҳурмат, ёшларимизга иззатда бўлган давлатимиз ҳам, жамиятимиз ҳам ўз ривожланиш палласида бу ҳар икки қатламга алоҳида эътибор билан қараб келмоқда.

(Давоми 4-бетда).

### *Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

**Р.А.Муҳитдиновни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири этиб тасдиқлаш тўғрисида**

Равшан Абдулатифович Муҳитдинов Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири этиб тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2007 йил 29 декабрь*



Равшан Абдулатифович Муҳитдинов 1963 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. Маълумоти олий, 1985 йили Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган.

Прокуратура органларидаги фаолиятини 1985 йили Тошкент шаҳар Чилонзор туман прокуратурасида иш ўрганувчиликдан бошлаган. Кейинчалик Тошкент шаҳар прокуратураси тергов бўлими прокурори, катта прокурори, Собир Раҳимов туман прокурорининг ўринбосари, Республика прокуратураси ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси прокурори, Республика прокуратураси Ички ишлар вазирлиги идораларида тергов ва суриштирув устидан назорат бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатган.

1998 йилдан Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида масъул ходим, 2000 йилдан Жиззах вилоят прокурори лавозимларида ишлаган. 2005 йилдан яна Ўзбекистон Республикаси Президенти девони бош инспектори бўлиб ишлаган. 2006 йилдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатган.

**Суҳбат**

**Мана, сиёсат ва иқтисодиёт, мамлакат ва жаҳон ҳаётидаги оламшумул воқеаларга, изланиш ва интилишларга, меҳнат ғалабаларига тўла 2007 йил ҳам ортда қолди. Давлатимиз раҳбарининг халқ хоҳиши ва иродаси билан Ўзбекистон Президенти лавозимига қайта сайланиши, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик байрами ва бошқа қатор сиёсий-маданий тадбирларнинг юксак савияда ўтганига жаҳон тан берди. Ўтган йил Фарғона вилоятида ҳам улкан ижобий ўзгаришлар даври бўлди. Ҳуқуқ-тартибот органлари, хусусан прокуратура органлари ҳам қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқ-тарғиботни кучайтириш юзасидан сезиларли ишларни амалга оширдилар. Жамоатчи мухбиримиз Янги йил арафасида 2007 йил вилоятда бу борада қилинган ишлар хусусида вилоят прокурори, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Абдуҳалим ҲОЛМАҲМАТОВга бир неча савол билан мурожаат қилди.**

## Йўлимиз равон, келажагимиз саодатли

***— Ҳурматли Абдуҳалим ака, ўтган йил тарихимизга «Ижтимоий ҳимоя йили» сифатида кирди. Вилоятимизда ҳам бу борада катта ва салмоқли ишлар бажарилди. Вилоят прокуратураси органлари томонидан шу соҳада амалга оширилган ташкилий тадбирлар, назорат ишлари, амалий мулоқотлар хусусида гапириб берсангиз.***

— Дарҳақиқат, «Ижтимоий ҳимоя йили» барча соҳаларда бўлганидек прокуратура тизими фаолиятида ҳам сезиларли из қолдирди. Қонунлар ижросини таъминлаш, ҳуқуқ-тарғиботини кучайтириш, адолат барқарорлигини мустаҳкамлаш каби асосий вазифаларимиз билан бир қаторда ижтимоий ҳимояга катта эътибор қаратдик. Пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз, қаровчиси йўқ фуқароларнинг аҳволидан доимо бохабар турдик. Ота-онасиз, ногирон болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш диққат марказимизда бўлди.

(Давоми 2-бетда).

## Инсонпарварлик намунаси

**Ўтган ҳафта Андижон вилоят прокуратураси ташаббуси билан Олий Мажлис Сенатининг 2007 йил 30 ноябрь кунги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

**Вилоят ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, вилоят ҳокимлиги ижтимоий кўникма марказининг раҳбар ва мутахассислари иштирокида ўтказилган мазкур йиғилишда тергов ва суд жараёнида, жазони ижро этиш муассасаларида, шунингдек, ижтимоий ҳимоя марказларида амнистия тўғрисидаги Қарор талабларининг аниқ ва бир хилда ижро этиш ҳамда қарорнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш масалалари муҳокама этилди.**

**Анжуманда вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи Б.Қорабоев, Жиноят ишлари бўйича вилоят судининг судьяси И.Тўланов, вилоят ИИБ тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосари В.Бўтаев, вилоят ҳокимлиги ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бошлиғининг ўринбосари Ж.Мансуровларнинг қарорни тергов ва суд жараёнларида ҳамда ҳисобда турган маҳкумларга нисбатан қўллаш тартиби, жазони ижро этиш жойларидан озод бўлиб келган шахсларга нисбатан ижтимоий-моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ишларини ўз вақтида ташкил этиш, улар билан олиб борилаётган профилактика ишлари, жазодан озод қилинган, 1-2 гуруҳ диспансер рўйхатидан сил касаллигига чалинган шахсларни ҳисобга олиш ва махсус даволаш муассасаларига жойлаштириш, уларни тўлиқ ҳисобга олиш, белгиланган тартибда ижтимоий-моддий ёрдам кўрсатиш ва ҳужжатлаштириш тартиби борасидаги маърузалари тингланди.**

**Йиғилишда асосий эътибор Амнистия қарори ижросини таъминлашда турли хатоликларга йўл қўйилишини бартараф этишга қаратилиб, жойларда бу борада семинар машғулотлар ўтказиш ҳамда аҳоли ўртасида тарғибот тадбирларини олиб боришга келишиб олинди.**

**З.ЮЛДАШЕВ,**
**Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси**

**Қарор ва ижро**

## *Амнистия —* имтиёз эмас, имкониятдир

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятига эътибор берадиган бўлсак, уларнинг барчаси битта мақсадга — инсон манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилганини ҳис қиламиз.

Энг муҳими эса юртбошимиз раҳбарлигида «Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун» деган шиор истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ амалга оширилаётган ўзгаришларнинг марказида бўлиб келаётгани ва бундан кейин давом этиши ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Шундай экан, Олий Мажлис Сенати томонидан «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида» Қарор қабул қилиниши ҳам инсонпарварлик тамойилининг бир намунаси эканлигини кўришимиз мумкин. Мазкур қарор — халқимизнинг бағрикенглик, кечиримлилик каби анъаналарга содиқлигининг яна бир намунаси эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Инсон қадр-қимматининг юқори туриши ва бунда амнистия акти алоҳида эътиборга олинганлиги бошқа қонунларимизда ҳам акс этган. Хусусан, Жиноят-процессуал кодекснинг 84-моддаси 1-қисми 2-бандига кўра, эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса, айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асос бўлади.

Шу ўринда «амнистия» сўзининг маъносига тўхталадиган бўлсак, бу сўз асли юнонча бўлиб, «кечириш», «авф этиш» ёки «умумий авф» деган маънoларни англатади.

Бунда, амнистия билан авф этишнинг фарқини ҳам англаш лозим. Амнистия тўғрисидаги қарор норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади ва жиноятлар содир этган бир шахс ёки бир гуруҳ муайян шахсларга нисбатан чиқарилиши мумкин.

У муайян жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган жиноят қонунини бекор қилмасдан, суд ҳукмининг қарорлари асосли ва қонунийлигини шубҳа остига олмасдан, айбдорни жазодан ёки жиноий жавобгарликдан озод қилади, жазони юмшоқ жазо билан алмаштиради ёхуд белгиланган муддатларни қисқартиради. Шунингдек, жазони ўтаганликнинг оқибати бўлган судланганликни бекор қилади.

(Давоми 3-бетда).

# Йўлимиз равон, келажагимиз саодатли

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Масалан, бу йил аҳолининг ижтимоий муҳофазасига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан 50 дан ортиқ назорат текширишлар ўтказилди. Ушбу текширишларда айрим мансабдор шахслар томонидан йўл қўйилган қонунлар бузилишлари аниқланиб, айбдорлар тегишли жазоларни олишди.

Аниқланган қонунбузилишлар бўйича 522 та интизомий, 30 та маъмурий жавобгарликка оид ва 20 та жиноят ишлари қўзғатилди. Масалан, Фарғона шаҳар Ёрмозор кўчаси 239-уйда истиқомат қилувчи иккинчи гуруҳ ногирони Д.Ортиқова 2001 йилда «Олтиариқ» сиҳатгоҳига бепул йўлланма учун навбатда турган бўлишига қарамай 2007 йилгача ҳам йўлланма ололмаган. Прокуратура аралашувидан сўнг бу фуқаронинг қонуний ҳуқуқи тикланди. Марғилон шаҳридаги 6 нафар, Охунбобоев туманидаги 9 нафар ногиронлар прокуратура аралашувидан сўнг ногиронлик аравачалари билан таъминланди. Умуман, 2007 йили 111 нафар фуқаронинг ногиронлик аравачалари, 7 нафар фуқаронинг эшитиш мосламаси ва 73 нафар кишининг турли протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминланиши ҳам прокурорлик аралашуви билан амалга оширилди. Шуни таъкидлаш керакки, ўтказилган тадбирлар натижасида вилоятдаги барча ногиронлар ногиронлик аравачалари ва бошқа зарурий воситалар билан таъминланди.

Шунингдек, ота-онасиз, ногирон болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда тарбияси оғир, ўқишдан бўйин товлаб юрган болаларни таълим муассасаларига жалб қилишга асосий эътибор қаратилди. Хусусан, биргина Наврўз байрами кунлари вилоятдаги «Меҳрибонлик», «Гўдаклар», «Мурувват» уйлари, махсус мактаб-интернат тарбияланувчиларига 92 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 26 май — 1 июнь кунлари «Ҳар бир фарзандга меҳр-эътибор» шиори остида ҳафталик ўтказилди. Вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан ёз мавсумида «Роҳат» болалар оромгоҳида кам таъминланган оилалар фарзандлари учун бепул дам олиш ва соғломлаштириш ишлари ташкиллаштирилди. Ёш авлодни миллий анъаналаримиз, умуминсоний маънавий-ахлоқий мерос асосида тарбиялаш ва камолга етказиш учун турли тадбирлар, фан ва маданият арбоблари билан учрашувлар, кечалар ўтказиш, турли концерт дастурлари, спорт мусобақалари, болалар ижодиёти кўргазмаларини ташкил қилиш каби бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Умуман мамлакатимиз миқёсида кенг ва муваффақиятли ўтган «Ижтимоий ҳимоя йили» тадбирларида вилоят прокуратураси ҳам фаол иштирок этди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояси бу жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, у одамларнинг тинчлиги, саломатлиги, иш ҳақи ва пенсияларни ўз вақтида берилиши, фуқароларнинг бошқа ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, бу соҳада қонунбузилишларнинг олдини олиш ва бунга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўришни ўз ичига олади.

Вилоят прокуратура органлари томонидан ижтимоий ҳимоя йилида шу соҳалар бўйича кўплаб текширишлар ўтказилди ва тегишли прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди.

***— Маълумки, 2008 йил «Ёшлар йили» деб эълон қилинди. Мамлакат, хусусан вилоят ёшлар ҳаётида бу қандай ижобий ўрин тутади ва вилоятда бу борада прокуратура органлари амалга ошириши зарур тадбирлар нималардан иборат деб ҳисоблайсиз?***

— Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида келгуси 2008 йил — «Ёшлар йили»да амалга ошириладиган ишлар бўйича устувор вазифалар белгиланиб, дастурий кўрсатмалар берилди.

Бу кўрсатмалар барчамиз учун дастуриламал ҳисобланади. Албатта, фарзандларимизнинг таълим муассасаларида замонавий билим олишлари, ҳаётда ўз ўринларини эгаллашида кўмак бериш ва айниқса, Юртбошимиз юқоридаги маърузада таъкидлаганидек «Биринчилар қаторида ёш авлодимизнинг манфаатларини таъминлашни кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш...» биз юристлар, прокуратура ходимларининг биринчи галдаги вазифамиздир. Зеро, халқимиз танлаган йўл равон, келажагимиз саодатли эканлигига шак-шубҳа йўқ.

***— Ҳуқуқ-тартибот тизимц вакиллари, вилоят саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданий-маънавий соҳалар ходимларига янги йил тилакларингиз...***

— Халқимиз юртбошимиз раҳбарлигида иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўймоқда. Юртимизнинг обод ва янада озод, иқтисодий бақувват, маънавий баркамол бўлиш йўлида тинмай ишлаётган барча кишилар, отахон ва онахонларимиз, фарзандларимиз ҳамиша соғ-саломат, тинч-омон бўлишсин. Эл фаровонлиги, яхшилик йўлида қилинган ҳар бир ҳаракатга, меҳнат ва интилишларга омад ҳамиша ёр бўлсин!

***— Суҳбатингиз учун катта раҳмат! Газетамиз таҳририяти аъзолари, кўп сонли ўқувчилари номидан сизга, барча прокуратура ходимларига машаққатли ва мураккаб ишларингизда катта муваффақиятлар тилайди. Доимо соғ-омон бўлинг!***

**Суҳбатдош: Алишер ИБОДИНОВ**

# Жиноятга жазо муқаррар

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан Республика Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги «Молия иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ўтказилган текширувлар натижасида жами 398 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. Ҳуқуқбузарликлар бўйича 266 та жиноят ишлари қўзғатилди. Давлат бюджетига 722,2 млн. сўмлик маблағлар қўшимча ҳисобланиб, 453,6 млн. сўми ундирилди.

Давлат рўйхатидан ўтмасдан, ноқонуний равишда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳар қандай давлат иқтисодиётига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Шунинг учун бошқарма томонидан бундай ҳолатларнинг олдини олиш, фош этиш юзасидан олиб борилган тадбирлар натижасида 29 та ҳолат аниқланди.

Жумладан, ўтказилган тадбирда Беруний шаҳри, Баймуратов кўчаси, 4-уйда яшовчи фуқаро И.Янгибоев ўз уйида фуқаро Б.Ўразалиевга 20 кг. мойжувоз ёғини сотаётган вақтда ушланди. «Тадбиркор»нинг уйидан 280 кг. чигит, 120 кг. кунжара ва 18 литр пахта ёғи жами 137 минг 908 сўмлик маҳсулотлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Олиб борилган суриштирув жараёнида «тадбиркор»ни «Беруний пахта тозалаш заводи» товаршунослари Д.Абдуллаев ва И.Алимовлар ноқонуний равишда чигит билан таъминлаб келганлиги фош этилди. Тафтиш жараёнида Д.Абдуллаев ва И.Алимовларнинг жавобгарлигидаги чигитдан 247,9 минг сўмлик камомад аниқланди. Заводга 82 млн. 760 минг сўмлик қўшимча солиқ, 11 млн. 701 минг сўмлик пеня ҳисобланиб, жами бюджетига 91 млн. 461 минг сўм ҳисобланиб, ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.



Беруний шаҳрининг Баймуротов кўчаси 4-уйида фуқаро И.Янгибоев томонидан ўрнатилган кўлбола мойжувоз.

Солиқ соҳасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳам бошқарма ходимлари фаолиятидан четда қолгани йўқ. Олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида бу ҳолатда 44 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, жиноят ишлари қўзғатилди.

Хусусан, Нукус шаҳрида жойлашган «Қурилишчи-ЛТД» фирмаси фаолияти ўрганиб чиқилганда, фирма ягона солиқ бўйича 11 млн. 65,2 минг сўм жуда кўп миқдордаги солиқни яширганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан фирма раҳбари Мурат Тлеубергеновга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

2007 йилнинг 1 декабрь кунигача спирт ва алкоголли ичимликларни Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудига ноқонуний олиб келиш ва уларни муомалага киритиш, шунингдек, қўлбола усулда спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришнинг олдини олиш бўйича олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида 68 та ҳолатда ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, 11,8 млн. сўмлик 3985,3 литр спирт ва алкоголли ичимликлар ашёвий далил сифатида олинди. 60 та жиноят ва 8 та маъмурий ишлар қўзғатилди.

Ўтказилаётган тадбирларда асосий эътибор спирт маҳсулотларининг қандай йўллар билан кириб келаётгани, қўлбола алкогол маҳсулотлари тайёрланиши ва улар қандай муомалага чиқиб кетаётганига қаратилди.

Албатта бундай тадбирлар ўз самарасини бермай қолмаяпти. Масалан, бир тадбирда Беруний туманида яшовчи Х.Бердиев ўзининг бошқарувидаги «Нексия» русумли 23L 07-27 давлат рақамли автомашинасида 56 минг дона акциз маркаларни Нукус шаҳрига сотиш мақсадида олиб кетаётганида қўлга олинган. Суриштирув жараёнида Х.Бердиев қалбаки акциз маркаларини Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида яшовчи фуқаро М.Умурзақовадан, у эса ҳамқишлоғи Р.Юсупов орқали Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаро А.Асадовдан сотиб олганлиги маълум бўлди. Ўтказилган тадбирда Р.Юсупов ва А.Асадовлар 35 минг дона қалбаки акциз маркаларни фуқаро М.Умурзақовага 480 минг сўмга сотаётганида ушланган.

Фуқаролар Р.Юсупов ва А.Асадовларнинг кўргазмалари асосида Чилонзор туманининг 19-даҳасидаги 41-уйнинг 42-хонадони кўздан кечирилганида, 3,4 минг дона қалбаки акциз маркалари топилди.

Уларнинг кўргазмалари асосида алоҳида тартибда қўриқланадиган «Алгоритм» ОАЖ ҳудудидаги босмахона кўздан кечирилганда, фуқаро Х.Усмановнинг жиноий қилмиши фош этилди. У анчадан буён қалбаки акциз маркаларни ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётган экан.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 май кунги 154-сонли қарори ижроси юзасидан ҳам мунтазам равишда тадбирлар олиб борилмоқда. Хусусан, чет элда ишлаб чиқарилган товарларни ноқонуний олиб келиш, муомалага киритиш билан боғлиқ 58 та ҳолат аниқланиб, 92,4 млн. сўмлик чет эл товарлари олиб қўйилган.

Жумладан, 2007 йил 14 март куни «Мискин» постида фуқаро Т.Кенжаев бошқарувидаги «Сетра» русумли 30 R 19-34 давлат белгили автобус кўздан кечирилганда, фуқаролар И.Хожаниязов, С.Давлетов, И.Казаков, К.Ибрагимов, К.Сапаева ва У.Ваисжановалар чет элда ишлаб чиқарилган, божхона кўригидан ўтказилмаган, ҳеч қандай ҳужжатсиз 56,1 млн. сўмлик чарм курткалари ҳамда хўжалик молларини республика ҳудудига олиб келаётганликлари аниқланган.

Суд ҳукмига кўра, 45 млн. сўмлик «Сетра» русумли мазкур автобус, 56 млн. 110 минг сўмлик товарлар давлат эгалигига ўтказилган.

Солиқ сиёсатини амалга ошириш ва валюта муомаласини тартибга солиш масалалари бўйича корхона ва ташкилотларда, ўқув муассасаларида 1166 та маъруза ва суҳбатлар ўтказилди. Бунинг натижасида 532,3 млн. сўмлик маблағлар бюджетга ихтиёрий равишда туширилди.

**Ғафур БУХАРБАЕВ,**
**Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Қорақалпоғистон Республикаси бошқарма бошлиғи ўринбосари**

# Фирибгар «паттачи»

**— Билетлар бор, доллар, российский алмаштирамиз...**

**Темир йўл бекати олдида уймаланиб юрган уч-тўрт нафар йигитларнинг бундай «таклифи» ўтган кетгайларни бефарқ қолдирмасди. Улар ҳеч бир йўловчини кўздан қочирмасликка ҳаракат қилишарди. «Ҳожатбарорлар»дан бири Шаҳнозанинг ёнига келиб, унга гап отди:**

**— Яхши қиз, билет керакми?**

**Шаҳноза аввалига унга аҳамият бермади. Йигит ундан узоқлашмай гапини давом эттирди:**

**— Кассаларда билет йўқ, ҳамма билет бизда. Сиз учун арзонроқ қилиб бераман. Қаерга билет кераклигини айтсангиз, бас.**

**Йигитнинг гапга усталиги фойда бермай қолмади, Шаҳноза Шерзоднинг «тўрига» осонгина илинди.**

**— Менга эмас, қариндошларимга билет керак. 16 май куни Москвага билет тўғрилаб бероласизми?**

**— Нечта керак?**

**— Плацкарт вагонига иккита.**

**— Унинг бир донаси 200 минг сўм туради. Паспорт билан пул тайёрми?**

**— Бор.**

**Хуллас, Шерзод Жумаев 400 минг сўм билан паспортларни қўлга оларкан:**

**— Мана менинг телефон рақамим, сиз ҳам телефон рақамингизни беринг. Тайёр бўлгач қўнғироқлашамиз. Если что, мени ҳар куни шу ердан топасиз.. — дея қиз билан хайрлашди.**

**Орадан бир кун ўтиб, Шаҳноза Шерзодга телефон қилди.**

**— Шерзод ака, сизга яна битта «заказ» бор.**

**— Қулоғим сизда, айтинг, жоним билан бажараман.**

**— Адамлар ҳам 21 май куни Москвага кетмоқчила, уларга ҳам битта билет керак.**

**— Бўлди, бажарамиз... — дея улар учрашув вақтини белгилашди.**

**Шерзод иши юришганидан боши осмонда эди. Келишилган соатда Шаҳнозани «Чилонзор» метросида кутиб олиб, ундан қўшимча билет учун 200 минг сўм ва отасининг паспортини олди. Қўлга киритилган 600 минг сўм пулни Шерзод ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборди. Орадан кунлар ўтди. Шаҳноза билетдан дарак бўлмаётганидан хавотирлана бошлади. Охири сабр косаси тўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди. Қидирув ва суриштирув ишларидан сўнг 2007 йил 14 сентябрь куни ички ишлар ходимлари Шерзод Жумаевни Паркент бозорида қўлга олишди.**

**Жиноят иши қўзғатилиб, иш судга оширилди. Бу орада Шерзод фирибгарлик йўли билан қўлга киритган 600 минг сўмни Шаҳнозага қайтариб берди. Судда жабрланувчи Шерзодга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини айтган бўлса-да, аммо жиноят жазосиз қолмаслиги муқаррардир. Ҳеч ким қилмиши учун жавобгарликдан қутула олмайди. Шундай қилиб, Шерзод Жумаев айбдор деб топилиб, 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинди.**

**Анвар ҲАЙИТБОЕВ,**
**Тошкент транспорт прокурори ёрдамчиси**

# Кечиримлилик, бағрикенглик, инсонпарварлик



# Амнистия — имтиёз эмас, имкониятдир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Амнистия ўз ижтимоий моҳиятига кўра, муайян жиноятларни содир этган шахсларнинг айрим тоифасига тааллуқли бўлади. Суд ҳукми асосида жазо тайинланган шахс амнистия акти ёки авф этиш асосида асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазолардан озод қилиниши ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин. Содир этилган жиноятларга нисбатан жазолов функциясини йўқотмаган ҳолда амнистия акти асосида жазо қисман ёки тўлиқ бекор қилинади, бошқа енгилроқ тури билан алмаштирилади ёхуд қўзғатилган жиноят иши тугатилади. Жиноий жазодан озод қилишнинг асоси сифатида амнистиянинг ҳуқуқий тушунчаси иккита: суд томонидан ҳали жиноят иши кўрилмагандаги жавобгарлик ва жазо чораси тури масалаларини қамраб олади.

Алоҳида шахсни жазодан озод қилувчи амнистия акти авф этишдан фарқли равишда норматив характерга эга: у ҳар доим муайян тоифадаги жиноятлар ёки бир гуруҳ шахсларга ёхуд ўзаро демографик, ижтимоий, жиноий, ёшга оид ҳуқуқий ёхуд бошқа белгиларга кўра фарқланмайдиган якка тартибдаги ноаниқ бир гуруҳ шахсларга тегишли бўлиб, индивидуал хусусиятга эга бўлмайди. Бу жиноятлар ва шахслар гуруҳи эса жиноят таркиби ёки жиноятнинг таснифи, жиноят субъектининг белгиларига кўра фарқланади.

Энди бевосита амнистия ҳақидаги ушбу қарорнинг ўзига тўхталадиган бўлсак, Республика Президентининг 2007 йил 13 декабрдаги Қарори билан тегишли идоралар томонидан мазкур қарорни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом маъқулланди ва унинг ижросини ўз вақтида ҳамда бир хилда таъминлаш мақсадида зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Қарорнинг 1-бандига асосан биринчи марта содир этган жиноятлари учун судланганлар, яъни, ёшидан қатъи назар аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшга тўлган, яъни 1947 йил 1 декабрга қадар туғилган эркаклар ва доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлган ҳамда озод этилганидан сўнг Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослари бўлмаган чет эл фуқаролари жазодан озод этиладилар.

Қарорнинг 2-бандига кўра тайинланган жазо тури ва меъёридан қатъи назар эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этиб, биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинадилар.

Бу ҳолатда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлар деганда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15-моддасига асосан қасддан содир этилиб, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган жиноятларни тушуниш мумкин.

3-бандда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига алоҳида эътибор берилиб, унга кўра мазкур қарор қонуний кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида жазони ижро этиш ёки яшаш жойида даволаш муассасалари тиббий комиссия хулосаларига асосан белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган ҳамда қарор кучга киргунга қадар биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар жазодан озод қилиниши белгиланган.

Содир этган жиноятнинг оғирлик даражаси ва уларга тайинланган жазонинг меъёридан қатъи назар озодликдан маҳрум қилиниб, жазонинг ўталмай қолган муддати икки йилдан кўп бўлмаган ва ҳукми мазкур қарор эълон қилингунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар жазодан озод этилиши қарорнинг 4-бандида кўрсатиб ўтилган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, қарорнинг 3 ва 4-банди таъсир доирасига жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, яъни ЖКнинг 97-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахслар тушмайди.

Халқимизнинг нақадар кечиримли ва бағрикенглигини қарорнинг 5-бандида белгиланган тартибдан яққол кўришимиз мумкин. Унга кўра тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинадилар. Бунда маҳкумнинг тузалиш йўлига қатъий ўтганлиги алоҳида инобатга олиниб, бу ҳолат унинг ёши, жинси ва фуқаролигидан қатъи назар содир этган жиноятидан чин кўнгилдан пушаймонлиги тўғрисидаги аризаси ва бошқа тегишли ҳужжатлар билан тўлиқ тасдиқланиши лозим.

Бундан ташқари, ушбу қарорга асосан шахс жазодан озод қилинмаса-да, унинг 7-бандига асосан қасддан содир этган жинояти учун 10 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилганларнинг жазоси учдан бир қисмига, 10 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилганларнинг жазоси тўртдан бир қисмига, яъни, 2007 йил 2 декабрь кунидан бошлаб жазо муддатининг амалда ўталмай қолган қисми қисқартирилади. Бунда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган шахслар ҳам инобатга олинади.

Қарорнинг 8-бандида бу Қарор кимларга татбиқ этилмаслиги аниқ кўрсатилган бўлиб, унга кўра ўта хавфли рецедивистларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга, муқаддам авф этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод бўлгач, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга қарор тўлиқ татбиқ этилмайди. Унинг 1-банди ўта оғир жиноят содир этган шахсларга татбиқ этилмайди, фақат бунда ЖКнинг 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган чет эл фуқаролари бундан мустасно қилинган. Қолаверса, қарорнинг 1, 4, 6, 7-бандлари тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланганларга татбиқ этилмайди.

Халқимизда «кўр ҳассасини бир марта йўқотади», «адашганнинг айби йўқ, қайтиб йўлини топса», деган пурҳикмат мақоллар бор. Шундай экан, амнистия бу имтиёз эмас, балки, адашганларнинг жамиятга наф келтириши, ўзларини тутиб олишлари учун бир марта бериладиган имкониятдир.

Ўйлаймизки, амнистия туфайли улкан имкониятдан манфаат кўрганлар озодлик ва ҳалол меҳнатнинг нечоғлик бахт эканлигига яна бир карра иймон келтирадилар.

**Рустам ОРТИҚОВ,**
**Қашқадарё вилояти қамоққа олинганларни сақлаш ва жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат бўйича Қарши прокурори**

**Чилла чиллалигини қила бошлади. Янги йил арафасида суви оқиздириб қўйилмаган водопровод жўмракларигача музлади. Лекин, хушхабар унинг кўнглидаги музни эритди, баданига иликлик югурди. Кўнглини музлатган воқеа баҳор кунларидан бирида юз берганди.**

# КЕЧИРМОҚ — ИШОНМОҚ ДЕМАК

*(Воқеа жойидан репортаж)*

Унинг Фарғона шаҳри, Оқ ариқ маҳалласидаги тинч хонадони бирданига арининг уясидай тўзиди. Ўғли Холиқжонни қамашган куни товонигача зирқиради. Ўғли кайфи борлигида уста билан муштлашиб, уни ўлгудай дўппослабди. Етти ой олдин суд бўлди. Сойиб ака суд залида ҳукмни тинглар экан, «ўттиздан ошиб, икки болали бўлсаям эси кирмади» дея аттанг қилди. «Икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилинсин...» Суянган тоғидан айрилган ота етти ойда етти ёшга кексайди.

Тушдан кейин деб тайинлашган бўлса-да, у чилланинг чирсиллатадиган изғиринига қарамай, барвақт Фарғона шаҳридаги қамоқхона ёнига келди. Йўлда турган милиционер йигитдан гап сўради.

— Ҳа, бугун қўйворишади. Анави чойхонада исиниб ўтира туринг. Ўзимиз чақирамиз...

Сойибжон ака Турсунов дардини айтар экан, пиёлада чой қуйиб узатди.

— Бунақа юзқароликни ҳеч кимнинг бошига солмасин! Хайрият, ўғлим авф этилди. Яна одам қаторига қўшилишига имкон берган кечиримли ҳукуматимизга, юртбошимизга раҳмат! Аммо-лекин ўзиниям бурнига сув кирди. Энди ҳар қадамини ўйлаб босади...

Холиқжон Турсунов муштумзўрлик билан битта одамни майиб-мажруҳ қилибгина қолмай, оиласи, қариндошларини ҳам ғам-андуҳга ботирди. Маҳаллада ота-онасининг юзини ерга қаратди.

Фарғона шаҳридаги УЯ 61/10 сонли ҳибсхонага вилоят прокурорининг ўринбосари Муродил Қурбонов, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Фарҳоджон Абдувалиевлар ташриф буюришди. Олий Мажлис Сенатининг Конституция куни муносабати билан эълон қилинган Амнистия тўғрисидаги қарорига асосан ушбу ҳибсхонадаги 23 нафар маҳкумлар жазонинг қолган қисмини ўташдан озод этилмоқда эди.

Муродил Қурбонов ҳужжатлари тайёр қилиниб, шу бугун қамоқхонадан бўшатилажак маҳкумлар билан бирма-бир суҳбатлашди. Инсонпарвар қарорнинг моҳиятини тушунтириб, бундан кейин ушбу ишончга муносиб хулқ-атворда яшашлари лозимлигини уқтирди.

— Қамоқда ётиб хўп ўйладим, — деди қабулхонада маҳкум Холиқжон Турсунов. — Муштлашишим шартмиди? У паст келганда, мен ҳам паст келсам бўлмасмиди? Ичкиликдан келиб чиқаркан ҳамма бало...

— Ташқарида дадангиз кутаяпти.

— Нафсим йўлдан адаштирди, — деди прокурор ўринбосарининг ҳузуридан чиққан маҳкум, Наманган вилояти Чортоқ туманилик Орифжон Абдураҳмонов. — Йириккина йўлкира ваъда қилишса, мошинамда юкларини чегарадан олиб ўтиб беришга кўнибман. Ўғринча, божхонани четлаб бораётганимизда тўхтатишди. Ёзда, июнь ойида юк эгалари қатори судландим. Ёзёвон туман суди ҳукми билан икки йилга озодликдан маҳрум этилгандим. Олти ой кунма-кун афсус-надоматда бағримни тилдим. Ўша пулни тўғри ишлаб топсам ҳам бўларди-ю... Бу бир умрлик сабоқ бўлди менга. Энди юк ташисам, аввало ҳужжатлари жойидалигига ишонч ҳосил қилиб оламан...

Ташқарида — кўчада уни кутаётган акаси Мурoджон Абдураҳмонов «амнистия билан авф этилганини эшитиб, кўнглимиз ёришди» деди.

— Одамийлик шунчалик бўлади-да! Укам ёшлик қилиб бир адашди. Энди кўзи очилди. Биз ҳам энди тек қараб турмаймиз. Бир марта куйдирганинг етар, тўғри ишла, ошингни ҳалоллаб ич, деб уқтирамиз...

Ҳибсхона ҳовлисида, идора ёнида авф этилиб, озод этилажак барча маҳбуслар икки қатор сафга тизилишди.

— Олий Мажлис Сенатининг Амнистия тўғрисидаги қарори билан жазонинг қолган қисмини ўташдан озод этиляпсизлар, — деди вилоят прокурорининг ўринбосари Муродил Қурбонов. — Бу инсонпарвар қарордан ўзларингга тўғри хулоса чиқариб олинглар. Оилаларингни, бола-чақаларингни ўйлаб, ҳалол ишлаб, яшаш имкониятини бой берманглар. Сизларга алоҳида иш ўринлари ажратилган. Иш бошлагунларингга қадар бир марталик ёрдам пули берилади. Ораларингда беморлар бўлса, даволанишади. Эсларингда тутинглар, амнистия фақат биринчи марта жиноят содир этганларга қўлланади. Кечириб, сизларга ишонч билдириляпти. Бошқа йўлдан адашмайсизлар деган ишончни оқлашларинг лозим...

Одамийликнинг илиқ ҳарорати қаршисида чилланинг совуғи ҳам чекингандай эди. Кўчада Сойибжон ака дарвозахонадан чиқиб келган ўғли Холиқжонни бағрига босди.

**Исроил ИБРОҲИМОВ,**
**«Huquq» мухбири**

Эзгу орзу-ниятлар билан яшаётган ҳар бир инсон ўз келажагини фарзандлари камолида кўради. Шу маънода, Президентимиз ташаббуси билан 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши барча юртдошларимизни беҳад қувонтирди. Зеро, мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ечимини кутаётган муаммолари, уларни эртанги кунимизнинг ҳақиқий эгалари этиб тарбиялаш масаласи бугун жамоатчилигимиз диққат-марказида турган асосий вазифадир.




# ЁШЛАР ҲАМИША ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРДА

Йил якунида ортга бир назар ташлаб ишларимизни сарҳисоб қилишга одатланганмиз. Қаерда ютуқларга эришдик, кимнинг оғирини енгил қилдигу, кимнинг дилини ранжитдик? Шуни ишонч билан айтиш мумкинки,тарихга айланган «Ижтимоий ҳимоя йили»да амалга оширилган ишлар бисёр бўлди. Ёлғиз яшовчи, боқувчисини йўқотган, ногирон, кам таъминланганлар ҳолидан хабар олиниб, бир қанчаларининг қонуний манфаатлари тикланди. Статистика маълумотларга қараганда, давлатимиз томонидан ўтган йилнинг 9 ойида 107 млн. 672 минг сўм муҳтожларга сарфланган.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Конституциянинг 15 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда 2008 йилни «Ёшлар йили» дея эълон қилди. Бунинг замирида катта маъно бор. Сабаби ёшларсиз келажакни тасаввур қилиб бўлмайди. Улар ишимиз давомчилари, буюк келажак бунёдкорларидир.

Биргина 2007 йил давомида республикада 11 та коллеж, 9 та мактаб қурилиб, 47 таси қайта реконструкция қилинганлигининг ўзи ҳам давлатимизнинг ёшларга бўлган катта эътиборини кўрсатади. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, март ойида Бош прокурор Қорақалпоғистонга ташриф буюриб Беруний туманида ҳам бўлганди. Ўшанда бу ердаги таъмир талаб 2 қаватли болалар боғчаси биносини оталиққа олиш ташаббусини кўтарган эди. Мазкур бино ҳозир ҳомийлар ҳисобидан тўлиқ реконструкция қилиниб, фарзандларимиз тарбияланмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Албатта, бу каби хайрли ишлар 2008 йилда ҳам давом этдирилади.

Тилагимиз 2008 йил ҳам халқимиз учун омадли йил бўлсин. Фарзандларимиз мусаффо осмон остида фаровон ҳаёт кечиришсин. Янги йилда янги зафарлар ҳар биримизга ҳамроҳ бўлсин.

**Шуҳрат АБЕРҚУЛОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари**

# КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда юртбошимиз Ислом Каримов 2008 йилни «Ёшлар йили» деб аташ тўғрисида таклиф киритди. Бу бежиз эмас эди, албатта. Чунки мамлакатимизнинг қарийб 40 фоизидан зиёдроғини ёшлар ташкил этади. Уларнинг тўлақонли билим олишлари, орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун ўтган йиллар давомида жуда катта, салмоқли ишлар амалга оширилди. Таълим ислоҳотларининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши, жаҳон андозалари даражасида бунёд этилаётган янги ўқув масканлари, ёшларнинг ҳар томонлама билимдон ва етук шахслар этиб тарбиялаш мақсадида кўрсатилаётган эътибор, ёш оилалар учун яратилаётган имтиёзлар сингари эзгу ишларнинг мантиқий давоми сифатида кириб келган янги 2008 йилда ҳам амалга ошириладиган режалар кўп.

Энг аввало, ёшларимизнинг тўғри таълим-тарбия олишлари, уларни иш билан таъминлаш масалалари, ёш оилаларга қўшимча имтиёзлар яратиш мақсадга мувофиқдир.

Бахтимизга, ёшларимиз орасида юксак иқтидор эгалари оз эмас. Улардан бири - Абдулла Қодирий номли Жиззах Давлат педагогика институти хорижий тиллар факультетининг 2-босқич талабаси Озода Ҳусанова бугунги кунда жаҳон адабиётининг нодир дурдонаси ҳисобланмиш инглиз ёзувчиси Шарлота Бронтнинг «Жейн Эйр» романини ўзбек тилига таржима қилиш билан банд.

— Иқтидорли ва билимли ёшларга ўз вақтида эътибор қаратиш, уларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш биз ёшлар учун муҳим, — дейди у. — Мен шу юртнинг қизи сифатида биз ёшларга билдирилган ишончни оқлашга, шу Ватан равнақига ҳисса қўшишга қўлимдан келганча ҳаракат қиламан.

Мамлакат миқёсида ёшлар учун ўтказилаётган «Келажак овози», «Умид ниҳоллари», «Ниҳол», «Янги авлод», Зулфия номидаги давлат мукофотига номзодлар танлаш билан боғлиқ кўрик-танловлар ёшларимизнинг ўз иқтидорларини тўлақонли намоён қилишларига қаратилган. Қолаверса, бу тадбир ва анжуманлар уларни моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантириб боришни ҳам кўзда тутади.

Ёшларимизнинг ҳам маънавий, ҳам маърифий, ҳам жисмоний жиҳатдан етук инсонлар бўлиб етишаётганига яна бир мисол келтиришни жоиз деб биламан. 1988 йилнинг 8 мартида таваллуд топган жиззахлик Замира Турсунова спортнинг теннис тури бўйича эришган ютуқлари учун бу йил Зулфия номидаги давлат мукофотига номзод этиб танланди. Ҳозирда у Жиззах вилоятидаги энг нуфузли ўқув даргоҳларидан бири — Олимпия захиралари коллежида мураббийлик қилиш билан бирга вилоят теннис федерациясида ҳам спорт мусобақаларининг ташкилотчиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Зеро, билдирилган юксак ишончни ёшларимиз сидқидилдан оқлашга интилмоқдалар.

Мен касбим тақозоси билан ёшлар орасида тез-тез бўлиб тураман. Улар билан мулоқотда бўламан. Жумладан, таълим масканларида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, вояга етмаганлар билан ишлаш, ёшлар билан боғлиқ айрим муаммоларни ҳал қилиш ниятида ташкил этилган учрашувларда айтилган фикр-мулоҳазалар мени жуда хурсанд қилади. Айниқса, аср вабоси ҳисобланмиш гиёҳвандлик ва ОИТС бўйича уларнинг билимлари, бу иллатларга муносабати, бу йўлга кирган тенгдошларига бераётган маслаҳатларини тинглаб, мустақиллик йилларида амалга оширган саъй-ҳаракатларимиз зое кетмаганлигига амин бўламан.

Ҳуқуқшунос сифатида шуни айтишим мумкинки, ҳар қандай номақбул қалам бекорчиликдан келиб чиқади. Мамлакатимизда ёшларни ўқиш ёки иш билан таъминлаш, уларни банд қилиш учун барча шароитлар бор. Бунинг ёрқин мисоли сифатида «Меҳнат ярмаркалари»нинг ташкил этилишини кўрсатиш жоиз. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун эса замонавий кутубхоналар, кинотеатрлар, Интернет-кафелар ишлаб турибди. Демак, ҳамма гап ёшларимизнинг ўзида. Уларнинг истак-орзуларини ҳисобга олишимиз, мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун барча имкониятлардан самарали фойдаланмоғимиз керак. Шундагина кўзланган мақсадга — «Ёшлар йили»даги эзгу ниятларимизга етамиз. Бунга ишончим комил.

**Саидмурод ШЕРНАЗАРОВ,**
**Жиззах вилоят прокурори ўринбосари**

# ЮРТ ТАЯНЧИ, ЭЛ ҒУРУРИ

Президентимиз ташаббуси билан 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши барча юртдошларимиз, айниқса, ёшларни беҳад қувонтирди. Зеро, эзгу орзу-ниятлар билан яшаётган ҳар бир фуқаро ўз келажагини фарзандлари камолида кўради.

Шу туфайли ҳам мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама соғлом вояга етказишнинг мукаммал тизими ишлаб чиқилди. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада»ни ўз ичига олган уч босқичли спорт мусобақалари тизимининг йўлга қўйилиши, ҳарбий хизматни намунали ўтаб қайтган йигитларга олий ўқув юртларига киришда имтиёз берилиши ва бошқа кўплаб чора-тадбирлар замирида ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси, фарзандларимизни соғлом вояга етказишдек эзгу мақсад ётади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, ёшлар фаолияти билан боғлиқ қонунлар, қарорлар ва аниқ мақсадга йўналтирилган дастурлар қабул қилинганлиги ўз самарасини бераётгани барчага аён. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида юзлаб лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежлари бунёд этилди. Бу ўқув муассасаларининг ҳаммаси замон талабларига, жаҳон андозаларига тўла жавоб беради. Илму ҳунар олишни истаган йигит-қизлар мана шу имкониятларнинг ҳаммасидан истаганча фойдаланишлари мумкин.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида баркамол авлод тарбияси учун таълим тизимини тубдан қайта қуришга киришилди. Ўқув масканлари фақат шаклан эмас, мазмунан ҳам такомиллашди. Шўролар давридаги ўқитиш усулларидан фарқли ўлароқ, бунда таълим сифатини ошириш, ўқувчи-талабаларнинг дунёқарашларини шакллантириш мақсадида ўқитишнинг самарали усулларидан унумли фойдаланилмоқда. Ноанъанавий дарслар, энг замонавий таълим технологияларининг жорий этилиши натижасида юксак малакали мутахассислар тайёрлашга эришилмоқда. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури»нинг ҳаётга жорий этилиши ҳам эртамиз эгалари бўлмиш ёшларни баркамол вояга етказиш мақсадини кўзда тутади.

Юртбошимизнинг «Ёшлар эртамиз эгалари бўлса, уларда эгалик ҳисси бугундан таркиб топмоғи лозим» деган сўзлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга доир сиёсатнинг мустаҳкам асосини ташкил этмоқда. Конституциямиз қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда давлатимиз раҳбари бу ҳақиқатни яна бир карра эслатиб ўтди. Ёшларга шароит яратиб бериш ҳақидаги сўзлардан энди амалий ишга ўтиш лозимлигини таъкидлади.

Ёшларимизнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, шу асосда жамиятимиз тараққиётига халал берадиган мафкуравий таҳдидларга қарши курашиш лозим. Ёшларда турли ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ҳақиқий маънодаги ватанпарварлик, миллий урф-одатлар, қадриятлар, анъаналаримизга ҳурмат ва уларни эъзозлаш, мустақил ва эркин фикрлаш туйғуларини камол топтириш энг асосий вазифамиздир. Бу борада Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг роли беқиёс. Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида, ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган қарийб 17 мингта «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти беш миллионга яқин ёшларни бирлаштирган.

Ёшларнинг дунёқарашини шакллантириш, қизиқиш ва интилишларини ўрганиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўзига хос мадад бўлиш бошланғич ташкилотлар олдида турган асосий вазифадир. Шу ўринда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорликда ўтказиб келаётган «Келажак овози» ҳамда «Янги авлод» кўрик-танловларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Мунтазам равишда ўтказилаётган ушбу тадбирлар ёшларнинг иқтидори ва ташаббусларини ўрганишда, уларни қўллаб-қувватлашда қўл келаяпти. Ушбу танловларнинг илк ғолиблари томонидан тақдим этилган турли лойиҳалар айни пайтда амалиётга татбиқ этилмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ўттиз ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бу жуда катта потенциал, катта куч дегани. Бугун турли соҳаларда талай ютуқларга эришаётган ёшларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Улар эришаётган ютуқларни нафақат халқимиз, балки бутун дунё афкор оммаси кўриб турибди ва тан бермоқда. Рустам Қосимжонов, Руслан Чагаев, Аббос Атоев каби ўнлаб ёшларимиз Ўзбекистон шаънини улуғлаб, уни дунёга танитмоқда.

Теварак-атрофда кечаётган воқеалар, ёшларга берилаётган имкониятлар ва имтиёзлар уларни Ватанга ва Президентига садоқатли бўлишга ундайди. Шу туфайли ҳам ёшларимиз 23 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол қатнашдилар. Улар юрт равнақи ва ўз келажаклари учун ўзлари танлаган муносиб номзодга якдиллик билан овоз бердилар.

Ёшлик — умр баҳори. Бу даврда инсон ўсиб-улғайиб, камолга етади. Яхши парвариш топган ниҳол қуёшга талпиниб, гуркираб ўсгандек, ота-она меҳридан, жамиятнинг эътибори ва ғамхўрлигидан баҳра олган ёшларимиз ҳам баркамол вояга етишига умид қилсак бўлади. Зотан, маънавий етук, ҳар тарафлама баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш халқимизнинг эзгу орзуси ва давлатимиз сиёсатининг пировард мақсадидир. Ёшлар йилида бу борада янги ва ёрқин уфқлар бизни олға чорламоқда.

**Норбўта ҒОЗИЕВ,**
**журналист**

Qayerdan: **Xatlar va jamoatchilik bilan aloqalar sahifasi**

Qayerga: Тошкент шаҳри, академик Яҳё Ғуломов кўчаси, 66. «Huquq» газетаси таҳририятига, 700047

*Газетхон таклифи*

## Анъанага содиқ қолинса...

*Ассалому алайкум, «Huquq» газетаси жамоаси!*

*Мен газетангизнинг доимий обуначилариданман. Баъзи мулоҳазаларим билан ўртоқлашиш мақсадида ушбу хатни ёзмоқдаман.*

*Мен Ширин шаҳридаги Сирдарё ГРЭСида инженер лавозимида ишлайман. Гарчанд касбим техника соҳасига ихтисослашган бўлса-да, олиб борилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар, демократик ўзгаришларни мунтазам кузатиб бораман. Бунда «Huquq» газетасида бериб борилаётган маълумотлар, хабарларнинг ўрни беқиёс бўлаётир. Масалан, ўтган 2007 йилда газета саҳифаларида суд очерки, журналист суриштируви, ҳуқуқий маслаҳатхона рукнлари остида чоп этилган мақолаларни қизиқиш билан ўқиб бордим. Шунингдек, одам савдоси, йўл-транспорт хизмати, СПИД, дори-дармон таъминотига оид матераилларда кундалик турмушимизга оид долзарб масалалар кўтарилди. Ўйлайманки, газетада йўлга қўйилган бу хайрли иш 2008 йилда ҳам давом эттирилади. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, экология, халқаро-ҳуқуқий муносабатлар мавзуларида ҳам мана шундай мақолалар чоп этилса яхши бўларди.*

**Баҳром СОБИРОВ,**
**Сирдарё вилояти**

*Эътибор*

## ҲИММАТИНГИЗДАН МИННАТДОРМИЗ

— Бундан 8 ой олдин бизнинг 18-сонли болалар боғчамизда қўл ювиш учун иссиқ сув у ёқда турсин совуқ сув ҳам муаммо эди, десак ишонасизми? — дейди Беруний туманидаги 1-сонли мактаб ўқитувчиси Роза Жаббарбергенова. — 35 йилдан бери 140 нафар болани тарбиялаб келаётган 18-сонли мактабгача таълим муассасамиз жуда таъмирталаб бўлиб қолган эди. Апрель ойида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раиси, Республика Бош прокурори Р. Қодировнинг бизнинг туманимизга қилган ташрифи ва ташаббуси билан ушбу муассасамиз бутунлай таъмирдан чиқди. Бугун унинг ташқи кўриниши ва ички шароитлари жаҳон талаблари андозасида десак арзийди.

— Қисқа вақт ичида бажарилган бу бунёдкорлик ишлари халқ ҳашари билан амалга оширилди, — дея давом этади Беруний туман Амир Темур маҳалласининг диний ва маънавий-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчиси Пошшохон Нуруллаева. — Яратилган шароит, имкониятлар даражаси жуда юқори. Бассейн, гимнастика тўгараги, рус тили ва инглиз тили машғулотлари замонавий техника жиҳозлари асосида олиб борилаяпти. Айниқса, гуруҳлардаги ювиниш мосламалари болажонларнинг ёши ва бўйига қараб ўрнатилган. Болажонларимиз шундай кўркам, барча имкониятларга эга муассасада таълим-тарбия олаётганликларидан хурсандмиз. Боғчамиз мудираси Гулойим Пиримова ва барча ота-оналар номидан таъмир жараёнида ўз ёрдамларини аямаган, доимий равишда ҳашарчилар аҳволидан хабар олиб, ишчиларни қўллаб-қувватлаб турган Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Ҳ.Ҳалимовга, Республика Халқ таълими вазири Б.Султоновга, Беруний тумани прокурори М.Аймановга каттадан-катта раҳмат деймиз. Шунингдек, Беруний туман пахта тозалаш заводи ҳиссадорлик жамияти ва «Ёғгар ҳиссадорлик жамияти», Беруний туман ИИБ, туман Халқ таълими бўлими ва «Шаббоз Қият» МЧЖ ва «Roison» фирмасининг Беруний филиали раиси томонидан кўрсатилган беминнат ёрдам ва ҳомийлигида боғча хоналари рангли телевизор, музлатгич ва гиламлар билан таъминланди. Ҳашарда элимизнинг 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган фуқароси қатнашди. Айниқса, Беруний Агроқурилиш корхонаси раҳбари З.Ортиқов бошчилигидаги қурувчилар масъулият билан меҳнат қилишди.

Инсон умрининг энг унутилмас даври — унинг болалиги ҳисобланади. Ахир бекорга «Болалигим — пошшолигим» дейилмайди.

Фарзандларимизнинг болалиги бахтли ўтиши учун ҳукуматимиз шундай имкониятлар яратиб берган экан, унга жавобан биз ҳам масъулият билан ишлашга ҳаракат қиламиз.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг бу борада амалга оширган бир қанча хайрли ишларининг инъикоси сифатида бугун Беруний туманидаги ота-оналар, болажонлар номидан миннатдорчиликлар келиб турибди. Жумладан, 2007 йил 27 декабрь куни Бош прокурор Рашитжон Қодировга Беруний туманининг 150 дан зиёд аҳолиси номидан битилган ташаккурномани икки вакил — Жаббарбергенова Роза ва Нуруллаева Пошшо опалар мамнуният билан топширишди.

**Бугун у-эрта бу деб, аччиқ-чучук ташвишларимиз билан ҳаётимизнинг яна бир йилини тарих зарварақларига қўшиб улгурдик. Шунингдек, яна бир йиллик фаолиятимиз ўз поёнига етди. Хўш, 2007 йилда қандай режаларни амалга оширдик, нималарга улгура олмадик? Умуман, ўтган йилимиз ҳақида нималар дея оламиз?**

## Ҳамкорлигимиз давом этади

Таҳририятнинг хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими ўтган йилда фуқароларимиздан мингга яқин мактуб олди. Бу мактублар мавзу жиҳатидан хилмахиллиги билан бир-биридан ажралиб туради. Қувонарлиси, улар фақатгина ариза ва шикоятларни ташкил этмайди. Унда фуқароларимиз, яъни газетхонлар ўзларининг ижодий қарашлари, турли фикр-мулоҳазалари ила ўртоқлашишди. Масалан, Самарқанд вилоятидан И.Ҳафизовнинг «Бир кўнгил иморати», Бекобод шаҳридан Р. Яфаровнинг «Келажак оғуси» номли мақолалари, Жиззах вилоятидан Г.Турдиқулова ҳамда Сурхондарё вилоятидан Т.Аллаёровнинг прокуратура ходимларига билдирган миннатдорчилик мактублари шулар жумласидандир. Шунингдек, мухбир И.Иброҳимовнинг «Вазирнинг буйруғи қонунийми?» («Huquq» 2007 йил 25 январь) номли мақоласига билдирилган мулоҳазаларни мисол қилиш мумкин. Шу ўринда ўзининг туркум ҳажвияларини йўллаган Қашқадарё вилояти Қамаши туманидан Т.Боймировга, ижодларидан намуналар юборган Тошкент Молия Институти талабаларига ўз миннатдорчилигимизни билдириб, уларга ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

Юқоридаги ҳолатдан кўриниб турибдики, бугун ОАВда акс эттирилаётган жараёнларга, юртимизда юз бераётган ислоҳотларга ўқувчиларимиз бефарқ эмас.

***Ватаним ишончи менинг қўлимда***
***Агар у шоҳ бўлса унинг-чун қулман!***
***Ўзгани билмадим лекин мен учун***
***Ватаним олдида ўзим масъулман!***

— дейди талаба Ёлқин Муқимов. Ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов 2008 йилни «Ёшлар йили» деб эълон қилди. Буни эса ёшларимизнинг ўқишда, ишда олиб бораётган изланишлари, саъй-ҳаракатларининг эътиборга олинганлигидан нишона дейиш мумкин. Бунга нисбатан бериладиган жавоб, юқорида талаба айтганидек, аввало масъуллик ҳиссини туйиш билан бошланади. Фақат бу туйғу сидқидилдан амалга оширилиши шарт. Аммо, масъулиятнинг ўзига яраша юки бўладики, буни ҳамма ҳам бирдай ҳис қила олмаслиги туфайли баъзан камчиликлар юзага келади.

Аммо биз бу сўзимиз билан кимнидир айблаш ёки бировлар ишига аралашиш ниятидан йироқ бўлган ҳолда кузатилган камчиликлардан кўз юммоқчи эмасмиз. Бунинг исботи сифатида ўтган йили таҳририятдан ваколатли идораларга жўнатилган хатларнинг 13 тасига жавоб берилмаганини кўрсатиш мумкин. Масалан, Тошкент шаҳридан И.Мирходиеванинг «Фарзандим ногирон бўлиб қолди» («Huquq» 2007 йил 5 июль №27) ёки Хоразм вилоятидан Г.Рўзметованинг «Алдагани бола яхшими?» («Huquq» 2007 йил 11 октябрь №41) номли мададталаб мактублари шулар жумласидандир.

Баъзан, юзага келган арзимас муаммоларнинг жойида ҳал этилмаслиги ёки аризабозликларнинг кўпайиб кетиши кўпинча (у хоҳ фуқаро бўладими ёки айрим идора ходими) ҳуқуқ ва бурчларнинг етарли даражада билмасликдан юзага келаётгани афсуски бор гап. Масалан, аксарият шикоятларда фуқароларнинг 2 ёшгача бўлган фарзандига нафақа пули олишдаги тўсиқлар ҳақида баён қилинади. Бу каби аризалар ва уларга берилган жавобларнинг айримлари саҳифаларда эълон қилиб борилди. Бинобарин, Шаҳрисабз туманидан фуқаро М.Юлдашева 2 ёшгача бўлган боласига нафақа пулини тайинлаш ишининг орқага суриб келинаётгани тўғрисида шикоят қилган эди. Қашқадарё вилоят прокуратураси томонидан ушбу аризадаги важлар текшириб кўрилганда аризачи Хўжахуросон ҚФЙ га тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатларни, яъни ариза берган вақтга қадар 12 ойлик даромадлари тўғрисидаги маълумотномани, 3-гуруҳ ногиронлиги учун туман ижтимоий таъминот бўлимидан 12 ой давомида олган ногиронлик пенсия пули тўғрисидаги ҳамда турмуш ўртоғининг ишсизлигини тасдиқловчи маълумотномани қўшимча равишда тақдим этмаганлиги аниқланган. Шу боис икки ёшгача бўлган боласига нафақа пули тайинлаш вақтинча тўхтатилган. Балки аризачи бу ҳақда билмагандир. Аммо, мутасаддилар ариза билан мурожаат қилувчиларга ўз вақтида тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар тўғрисида маълумот бериб, йўл-йўриқ кўрсатишганда бир инсон шунча вақт овораю сарсон бўлмасди.

Бугун ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлидан борар эканмиз, юқоридагидек тушунмовчилик, айтиш жоиз бўлса, лоқайдликлар-у масъулиятсизликларга барҳам бериш, бир-биримизга эътиборлироқ бўлиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу ўринда аризаларга ўз вақтида жавоб бериб келаётган, нашримиз орқали оз бўлса-да, ҳуқуқий тушунчалар бериб боришда бизга яқиндан ёрдам бераётган барча муассаса ва прокуратура ходимларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Янги 2008 йилда ҳам бўлимимиз жамоатчилик билан яқиндан алоқа ўрнатишга, қолаверса, ўз имконияти даражасида Сиз азиз газетхонларга кўмакдош бўлишга ҳаракат қилади. Зеро, «Huquq» ўз ўқувчиларига ҳуқуқий билим олишида беминнат ёрдам беришидан доимо мамнун.

Янги йилда ҳам шу муштарак мақсадлар ила Сиз азиз газетхонлар билан ҳамкорлик қилишни ният қилдик.

**Маъмура ДУСИЯРОВА,**
**«Huquq» мухбири**



***Болажон бир шеърни ёд олди аранг,***
***Айтишига сўрғичи қўймади, аттанг!***

*Тўйхат ўрнида*



*Эл-юрт, ҳамкасблар, маҳалла-кўй, оила аъзолари орасида эъзозда бўлиш ва яқинларингиз учун кераклигингизни ҳис қилиб яшаш улкан бахт ҳисобланади. Ана шундай бахтиёр инсонлардан бири Саримсоқ Тошпўлатов табаррук 80 ёшни қарши олди.*

## Беназир умр йўли

Саримсоқ ака 54 йиллик меҳнат фаолияти давомида кўп марраларни эгаллади, ҳурмат-эътибор қозонди. Жумладан, 34 йилга яқин Фарғона вилоят прокуратураси тизимида туман прокуратурасининг терговчиси, прокурор ёрдамчиси, Қувасой шаҳар прокурори, вилоят прокуратурасининг катта терговчиси лавозимларида хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Фарғона вилоятида қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ёшларни тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшган Саримсоқ акани бугун кўпчилик ҳурмат қилади. Иш даврида меҳнатсеварлик, ишдаги талабчанлик, фидойилик, ташкилотчилик ва ташаббускорлиги билан ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонди. Прокуратура ходимлари у кишининг касбга бўлган садоқатини ва инсоний фазилатларини доимо қадрлайди.

Саримсоқ ака Тошпўлатовнинг узоқ йиллик меҳнати ҳукуматимиз томонидан ҳам муносиб баҳоланиб, «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланган.

У кишини бугунги шодиёна кунида табриклаб, сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонига тинчлик-осойишталик, файзу барака тилаб қоламиз.

**Республика Бош прокуратураси Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази**

## АСЛИНИ БЕРИШ ШАРТМИ?

*Яқинда бир низоли масала бўйича судда даъвогар сифатида қатнашдим. Суд жараёнида киритган даъвоимни асослаб бериш учун бир қанча далил-исботларни жуда катта қийинчилик билан йиғдим. Шунинг учун судда уларнинг нусхасини берсам, судья аслини беришни талаб қилаверди. Ушбу ҳужжатларнинг аслини талаб қилиб олсам бўладими? Судда бундай ҳужжатнинг нусхаси билан чекланса бўлмайдими?*

**Ё.ЖАББОРОВА,**
**Тошкент вилояти**

Албатта бўлади. Лекин буни суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейингина олиш мумкин. Бунинг учун суддан тақдим этилган ҳужжатларнинг аслини қайтариб бериш тўғрисида илтимос қилсангиз, судья ҳужжатнинг тасдиқланган нусхасини қолдирган ҳолда аслини қайтариб беради.

Фуқаролик-процессуал кодексининг 76-моддасига кўра, ёзма далилларнинг асли тақдим қилинади. Агар ҳужжатнинг нусхаси тақдим этилган бўлса, зарурат туғилганда суд ҳужжатнинг аслини тақдим этишни талаб қилишга ҳақли.

## ЎЙ ТАШВИШИ

*Мен бундан икки йил аввал қўшнимнинг уйини сотиб олган эдим. Ўша пайтда қўшнимга уй учун келишилган пулни ҳам тўлиқ берганман. Аммо, уй олиш жуда шошилинч бўлганлиги боис, олди-сотди шартномасини кейинроқ расмийлаштиришга келишган эдик. Орадан икки ойча вақт ўтгач, қўшнимга уйни расмийлаштириб қўяйлик дедим. У ҳам рози бўлди-ю, лекин ҳозирги кунгача турли баҳоналар қилиб, қочиб юрибди. Бундай ҳолатда нима қилса бўлади?*

**Н.ДАВРОНБЕКОВА,**
**Тошкент шаҳри**

Ушбу масалани ҳал этиш учун Фуқаролик кодексининг 112-моддаси талаби бўйича судга мурожаат этишингиз мумкин. Мазкур модда талабига кўра, агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинадиган битимни тўла ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тарафнинг талаби бўйича уни ҳақиқий деб ҳисоблашга ҳақлидир. Бу ҳолда битимни кейинчалик нотариал расмийлаштириш талаб қилинмайди.

Агар давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим керакли шаклда тузилган бўлиб, аммо тарафлардан бири уни рўйхатдан ўтказишдан бош тортса, суд бошқа тарафнинг талаби билан битимни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли. Бундай ҳолда битим суд қарорига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади.

## ФАРЗАНДЛИККА ОЛГАНЛИК УЧУН ТАЪТИЛ

*Турмуш қурганимизга олти йилдан ошди. Лекин бу вақт ичида фарзандли бўлолмадик. Шунинг учун турмуш ўртоғим билан келишиб, ота-онасиз қолган чақалоқни фарзандликка олмоқчимиз. Айтингчи, агар мен шундай қилсам, ишлаётган аёлларга бериладиган имтиёзлардан фойдаланишга ҳақли бўламанми? Болани фарзандликка олганлигим муносабати билан таътил олсам бўладими?*

**Е.ГИБАДУЛИНА,**
**Фарғона вилояти**

Албатта ҳақли бўласиз. Қолаверса, агар сиз фарзанликка олаётган бола янги туғилган бўлиб, уни туғруқхонадан олсангиз, Меҳнат кодексининг 235-моддасида белгиланган тартибга мувофиқ, янги туғилган болаларни бевосита туғруқхонадан фарзандликка олган шахсларга бола фарзандликка олинган кундан бошлаб, бола туғилган кундан эътиборан эллик олти календарь кун (икки ёки ундан ортиқ бола асраб олинганда эса етмиш календарь кун) давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланадиган таътил берилади.

Бундан ташқари ўз хоҳишингизга кўра, бола уч ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш учун бериладиган иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътилдан ҳам фойдаланишингиз мумкин.

## ОВЧИГА ЖАЗО БОРМИ?

*Овчилар жамияти аъзолигидан чиққан одам қуролни шу жамиятга аъзо бўлган, лекин уни ишлатиш борасида ҳеч қандай билимга эга бўлмаган одамга сотишни истамаса қандай жавобгарлик белгиланиши мумкин?*

**В.ЭРГАШЕВ,**
**Фарғона вилояти**

Овчилик жамиятига аъзоликка қабул қилинган шахс ўқотар ов қуроли ва ўқдорилардан фойдаланиш борасида белгиланган тартибда синовдан ўтказилганидан кейингина тегишли ички ишлар органи томонидан унга бундай қурол ва ўқ-дориларни сақлаш учун рухсатнома берилади.

Бироқ, овчилик жамиятидан чиққанлиги муносабати билан ички ишлар органлари ўқотар ов қуроллари ва ўқдориларни сақлаш учун берган рухсатини бекор қилган фуқароларнинг бундай қуроллар ва ўқ-дориларни сотишдан бўйин товлаши, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 222-моддасига мувофиқ, ҳақини тўлаш шарти билан бу қурол ва ўқ-дорилар олиб қўйилиб, энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

## ДАВР ТАЛАБИ ЕВРО-3

*Мен бозорда автомобиль олди-сотдиси билан шуғулланаман. Кейинги пайтларда асосан хориждан келтирилган автомобиллар билан шуғулланаяпман. Эшитишимча, 2008 йилдан бошлаб Ўзбекистонга келтирилаётган автомашиналар Евро-3 экологик талабга жавоб бериши шарт экан. Шу тўғрими?*

**З.ШОМУРОДОВ,**
**Тошкент шаҳри**

Ҳақиқатан ҳам автомашиналарнинг экологик зарарли чиқинди чиқаришини камайтириш мақсадида бу борадаги чораларни янада қатъийлаштириш режалаштирилган. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Республика Президентининг 2006 йил 14 декабрдаги 531-сонли қарорига кўра Ўзбекистонда Евро-3 экологик талаб жорий этилиши белгиланган бўлса-да, бироқ унинг муддати 2008 йилдан эмас, балки 2010 йилдан татбиқ этилади.

2010 йилнинг 1 январидан бошлаб ТР ТИФ 8703 ва 8705 кодларига тўғри келадиган махсус транспорт воситаларидан ташқари, «Евро-3» экологик даража талабларига жавоб бермайдиган транспорт воситаларини Ўзбекистонга олиб келиш таъқиқланади.

## ЧОРВАГА КРЕДИТ

*Адашмасам ўтган йили Республика Президентининг шахсий ёрдамчи хўжалик юритувчи шахсларга имтиёзли кредитлар бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинганди. Мазкур қарор ҳали ҳам ўз кучидами? Ушбу қарорга мувофиқ кредит олсам бўладими?*

**Ш.ЭГАМОВ,**
**Данғара тумани**

Ҳақиқатан ҳам Республика Президентининг 2006 йил 23 март куни «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 308-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, у айни пайтда амал қилиб келмоқда. Қолаверса, ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Республика Марказий банки, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2006 йил 14 апрелдаги қарори билан имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш хусусидаги Низом тасдиқланган. Унга кўра, кам таъминланган оилаларнинг шахсий ёрдамчи хўжалик юритувчи жисмоний шахслари ва деҳқон хўжаликлари бошлиқлари чорвачиликни ривожлантириш мақсадида Бандлик жамғармаси кредит линияси ҳисобидан микрокредит олиш учун ўзлари яшаб турган туманда жойлашган тижорат банклари филиалларидан бирига ариза билан мурожаат этишлари лозим.

Микрокредит олиш учун шахсий ёрдамчи хўжалик юритувчи жисмоний шахс ёки деҳқон хўжалиги бошлиғи томонидан банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1) Бандлик жамғармаси кредит линияси ҳисобидан чорвачиликни ривожлантириш учун мақсадли микрокредит беришни сўраб ёзилган ариза;

2) Маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини Кенгашларининг ушбу микрокредит олувчи жисмоний шахсга чорвачиликни ривожлантириш учун банк томонидан микрокредит берилиши тўғрисида тавсияномаси;

3) Микрокредитнинг қайтарилиш таъминоти ҳақидаги қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳужжат.

Бундан ташқари, жисмоний шахс ёки деҳқон хўжалиги бошлиғи ўз паспортини шахсан кўрсатади ва паспорт нусхаси кредит йиғма жилдига тикиб қўйилади. Деҳқон хўжалигини давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги рўйхатга олувчи орган томонидан берилган гувоҳноманинг нусхаси ҳам кредит йиғма жилдига тикиб қўйилиши талаб этилади.

## МУДДАТИ ҚАНЧА?

*Қўшним билан турар-жой масаласида келишолмай қолганлигим учун уни судга берган эдим. Лекин суд даъвомни рад этди. Шундан сўнг апелляция шикоятини ёздим. Аммо бир ой ўтса ҳам иш ҳамон кўрилганича йўқ. Бундай шикоятларни кўришнинг аниқ бир муддати борми?*

**Б.ЖЎРАЕВ,**
**Тошкент вилояти**

ФПКнинг 331-моддаси талаби бўйича Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди апелляция шикояти ёки протести бўйича тушган ишни у келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриши лозим. Иш ўта мураккаб бўлган ёки бошқа алоҳида ҳолларда тегишли суднинг раиси томонидан бу муддат кўпи билан яна бир ойга узайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Олий суди апелляция шикояти ёки протести бўйича тушган ишни у келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқиши лозим. Алоҳида ҳолларда Республика Олий судининг Раиси ёки унинг ўринбосари бу муддатни кўпи билан яна бир ойга кечиктириши мумкин.

Ишни апелляция инстанциясида кўриш муддати кечиктирилган тақдирда, ишда иштирок этувчи шахсларга иш кўриладиган кун олдиндан хабар қилиб қўйилиши лозим.

## ТЎЛОВИ ҚАНЧА?

*Мен шахсий автомашинамда йўловчи ташиш билан шуғулланаман. Автомашинам эскириб қолганлиги учун уни янгилашни режалаштирганман. Лекин кейинги пайтларда автомашиналар нархининг ошиб бораётганлиги мени ўйлантирмай қолмаяпти. Шунинг учун хориждан олиб келинадиган йўловчи ташишга мўлжалланган автомашиналарга қўйилган божхона тўлови ҳақида маълумот берсангиз.*

**С.ҚУЛМАТОВ,**
**Жиззах шаҳри**

Республика Президентининг 2006 йил 20 майдаги 353-сонли қарорига мувофиқ, 2006 йилнинг 1 июнидан эътиборан ишлаб чиқарилган пайтидан бошлаб 3 йилдан кўп вақт ўтган, двигателининг ҳажми 2500 куб.см. гача ва ундан зиёд бўлган, 10 нафар ва ундан кўп йўловчини (ҳайдовчи билан биргаликда) ташиш учун мўлжалланган ҳамда ТИФ ТН 8702 10 19 ва 8702 10 99 кодларига мувофиқ келадиган автотранспорт воситаларини олиб келишда, келиб чиқиш мамлакатидан қатъи назар, олиб кирилган автомобиль божхона қийматининг 70%и ва унинг двигатели ҳажмининг ҳар бир куб сантиметридан 3 АҚШ доллари миқдорида акциз солиғининг аралаш ставкалари жорий этилган.

**Ҳурматли муштарий! Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб берадилар. Саволларингизни «Ниҳоқ» газетасининг «huquq97@mail.ru» электрон почтаси орқали юборишингиз ёки 133-26-62 телефон рақамига қўнғироқ қилиб беришингиз ҳам мумкин.**

**Саволларга ҳуқуқшунос Дониёр ХАЛИЛОВ жавоб берди**



**Якунланган 2007 йил умумбашарий нуктаи назардан олганда нисбатан осойишта, кескин сиёсий бухронларсиз кечган йиллардан бири бўлди. Бундай дейишга тўла асослар бор. Хусусан, Шимолий Корея ядро куролини пеш қилишни тўхтатди, Туркия Ироқ курдларига қарши «иккинчи фронт»ни очишни кейинроққа суришга қарор қилди, Исроил ва Фаластин ўз ички муаммолари билан овора бўлгани боис, Яқин Шаркда йирик терактлар, ҳарбий ҳаракатлар кузатилмади.**

# 2007 ЙИЛ СИЁСИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР

Ўтган йил бошида анчадан бери халқаро хавфсизликка, аниқроғи, ўзи учун рақиб деб билган давлатларга ядровий каллаклари билан таҳдид солиб келаётган Ким Чен Ир ядровий дастурларини тўхтатишга қарор қилган эди. Бунинг ўрнига халқаро ҳамжамиятнинг энергетика соҳасидаги кўмагига ва ўрнатилган иқтисодий санкциянинг бекор қилинишига эришиш чораларини қидира бошлади. Шимолий Корея минглаб тонна мазут ва «музлатиб» қўйилган ҳисоб рақамларидаги миллионлаб доллар маблағларни қўлга киритгач, Йонбандаги ядровий реакторларини тўхтатди. Шунингдек, ҳарбий мақсадларда плутоний ишлаб чиқаришни ҳам тўхтатиб, қисқа муддатлар ичида ядро объектларини йўқ қилишни бўйнига олди.

Умуман, Шимолий Кореянинг оммавий қирғин қуролидан воз кечишга қарор қилгани ўтган йил сиёсий жараёнлари ичидаги энг диққатга сазовор воқеа бўлди. Аммо Ким Чен Ирнинг шунча саъй-ҳаракатларига қарамай, АҚШ ҳали ҳам КХДРни «терроризмни қувватловчи» давлатлар рўйхатидан чиқариб ташлагани йўқ.



Ядровий дастурлар бўйича Шимолий Корея масаласи ечим топгандай бўлиб турган бир пайтда, ғарб дипломатлари Эрон ҳукумати билан айнан шу масалада бир тўхтамга келишолмай турishибди.

Умуман, бу борада бир-бирига мос келган ва мос келмаган хабарлар охир-оқибат афкор омма эътиборидан ҳам қола бошлади. Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажод ўз олимларининг ядро дастури борасида эришган натижаларини яшириб ўтирмади, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) эса текширув ўтказишдан эринмади. ОАВ эса АҚШнинг Эронга қарши бошлаяжак ҳарбий ҳаракатлари ҳақида баҳс юритиб чарчашмади.

Аммо йил охирига келиб тарқалган хабарлар бу масалада ҳақиқий сенсация бўлди: Эрон ядро қуроли ишлаб чиқариш борасидаги лойиҳасини 2003 йилнинг кузидаёқ ёпиб улгурган экан. АҚШ махфий хизматининг эронлик ҳарбий мансабдорларнинг телефондаги гаплашувларини узоқ вақт ёзиб олиши натижасида чиқарган бу хулосаси кўпчиликни ҳайрон қолдиргани турган гап. Бу орада Эрон ҳарбий вазирининг собиқ ўринбосари Али Ризо Асгари сирли равишда ғойиб бўлди. Унинг қандай ва қаёққа ғойиб бўлгани маълум эмас, аммо Эронга дўст бўлмаган мамлакат репортёрлари Али Ризо билан «ҳамсуҳбат» бўлишга улгуришган. Собиқ вазир ўринбосари бу «суҳбатлар» давомида Эрон ҳукумати юритаётган сиёсатнинг айрим сирларини фош қилиб қўйган. Бу машмашалар тугамай туриб, Эрон аксилтарғибот учун жуда катта мавзу топди: Эрон-Ироқ чегараларида патруллик қилаётган 15 нафар британиялик денгизчининг ҳибсга олиниши ва уларнинг уч ҳафталик қамоқдан кейин намойишкорона озод қилиниши афкор омма эътиборини яна бир бор чалғитди. Янаям қизиғи шундаки, Эрон телевидениясида инглиз разведкасига хизмат қилишларини маълум қилган бу денгизчи ҳарбийлар, ватанларига қайтишлари биланоқ асирликда Эрон махсус хизмати томонидан тазйиқ ўтказилгани ҳақидаги маълумотлари билан репортёрлардан яхшигина «гонорар» ишлашга киришиб кетдилар.

Нима бўлганда ҳам бунга ўхшаш майда-чуйда провакациялар минтақадаги сиёсий жараёнларга кескин таъсир кўрсатмади. Минтақада барқарор вазият ҳукм сурди. Тўғри, Туркия Ироқ шимолидаги курд жангариларига қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлашга жиддий киришди. Аммо иш бунгача бориб етмади.

Покистон эса ўзининг ички сиёсий муаммолари гирдобига тушиб қолди. 27 декабрда собиқ бош вазир Беназир Бхуттонинг суиқасд қурбони бўлгани эса ҳаммасидан ошиб тушди.



Яқин Шарқдаги жараён эса одатдагидай, сценарий бўйича давом этди. Мустақил Фаластин давлати ташкил топиши уёқда турсин, Фаластин мухториятининг ўзи ҳам парчаланиб кетаёзди. Куч йиғиб олган ХАМАС ҳаракати жангарилари Ғазо минтақасида ўз назоратини ўрнатишгач, ФАТХ тарафдорларига босим ўтказа бошладилар. Бу нарса Фаластин раҳбари Маҳмуд Аббос томонидан мухторият ҳукуматининг тарқатиб юборилишига сабаб бўлди. Аммо Маҳмуд Аббосга кўп миллионли иқтисодий кўмак ваъда қилган «донор» мамлакатлар ўйлаганидек, ХАМАС билан юзага келган зиддият натижасида унинг Исроилга ён бериши кузатилмади.

Исроил ҳукумати ҳам Фаластин каби ўзининг ички муаммоларидан ортмай қолди. «Ҳизболлоҳ» жангарилари билан бўлиб ўтган тўқнашувлардаги омадсизлик сабабларини ўрганиб чиққан комиссия бош вазир Эхуд Олмерт ва мудофаа вазири Амир Перецларни асосий айбдор деб топди. Оқибатда мудофаа вазири ўз вазифасидан озод қилинди. Бу мамлакат президенти Моше Кацав дуч келган машмашалар олдида ҳеч гап эмас экан. Исроил президенти худди бир пайтлар АҚШ президенти Билл Клинтон каби ўз котибасига нисбатан жинсий тажовузда айбланди. Узоқ давом этган тергов натижасида жаноб президент прокурор билан келишишга эришди: унга нисбатан жинсий зўравонлик айби қўйилмайдиган ва қамоқ жазоси қўлланилмайдиган бўлди.

Кўҳна қитъадаги сиёсий жараёнларда ҳам нисбатан барқарорлик кузатилди. Ёзда нафақат Британия, балки бутун Европа учун узоқ кутилган воқеа — бош вазир Тони Блэрнинг истеъфоси юз берди. Ўн йил инглиз ҳукуматини бошқарган Тони Блэр ўз курсисини узоқ йиллик дўсти ва рақиби Гордон Браунга бўшатиб берди.



Блэрнинг ортидан Франция президенти Жак Ширак ҳам катта сиёсатдан узоқлашиб, ўрнини Николя Саркозига бўшатиб берди. Янги президент ички ишлар вазири лавозимида ишлаган давридаёқ француз халқининг эътиборини қозониб улгурган эди. Айнан Саркозининг қатъияти билан бундан икки йил олдин Париждаги оммавий тартибсизликларнинг олди олинган эди. Саркози президентлик курсисига чиқиши билан яна бир шов-шувли вазиятга ечим топиб берди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан Сурия ҳукумати томонидан ўлимга ҳукм қилинган беш нафар болгариялик ҳамшира ва фаластинлик врач ўз юртига қайтиб келди. Эсингизда бўлса, улар 400 нафар ливиялик болаларнинг ВИЧ вирусига чалинишида айбдор деб топилган эди. Олиб борилган узоқ музокаралардан сўнг «ҳамширалар» ўз мамлакатларига қайтарилди ва шу тариқа ҳаётлари сақлаб қолинди. Улар Ливиядан Франция президентининг самолётида олиб келинган эди.

Шарқий Европа мамлакатларига келадиган бўлсак, Польшадаги эгизак ака-укалар — президент ва бош вазир Качинскийлар ҳукумати бўлиб ўтган сайловлардан кейин тугатилди. Польша ҳукумати тепасига келган Дональд Туск ўзидан олдинги ҳукумат раҳбарларининг ташқи сиёсат борасидаги фаолиятини қайта кўриб чиқишга киришиб кетди.

Болқон ярим оролидаги вазиятда эса бирорта шов-шувли воқеа содир бўлмади. БМТ вакили Марти Ахтисаарининг Косова масаласидаги лойиҳаси самарасиз якунланди. БМТ хавфсизлик кенгаши Косова мухторияти хусусидаги лойиҳаси Россия ва Хитой томонидан инкор этилгач, бу масалани ЕИ ихтиёрида қолдирди.

Европа Иттифоқи эса бундан-да муҳимроқ вазифалар билан банд бўлди.

Умуман, ўтган йилда содир бўлган сиёсий воқеликни қисқача таҳлил этар эканмиз, 2007 йил жаҳон тарихидан энг барқарор йиллардан бири сифатида ўрин олиши аниқ. Умид қиламизки, кириб келган йил ундан-да барқарор бўлиб, тарихга тинчлик йили бўлиб киради.

## ФОРС КЎРФАЗИДА УМУМИЙ БОЗОР

Янги йилнинг биринчи январидан бошлаб Форс кўрфазидаги араб давлатлари ҳамкорлиги кенгаши аъзолари (GCC) минтақада ўзлари учун умумий бозор ташкил этилгани ҳақида хабар тарқатган. GCC таркибига олти араб давлати — Баҳрайн, Қатар, Қувайт, Уммон, Бирлашган араб амирликлари ва Саудия Арабистони кирган бўлиб, уларнинг умумий майдони 2,6 миллион квадрат километрни ташкил этади. Шунингдек, мазкур мамлакатлар ҳудудида 35,6 миллион аҳоли истиқомат қилади. Бу мамлакатлар иқтисодиётидаги умумийлик шундан иборатки, ҳар олти давлат иқтисодиётида нефт қазиб чиқариш ва сотиш асосий ўрин тутади.

GCCга аъзо давлатлар нефт заҳираси 484 миллиард баррел дея тахмин қилинмоқда ва бу миқдор ОПЕКга аъзо давлатлар нефт заҳирасининг ярмидан кўпроғини ташкил қилади. Шунингдек, бу мамлакатлар савдо обороти айни пайтда жаҳон савдо оборотининг ўн фоизини ташкил этар экан. Баҳрайн савдо палатаси президенти Иссам Фахрунинг фикрича, бу кўрсаткич яқин йиллар ичида 25 фоизга етади.

Форс кўрфазидаги араб давлатлари ҳамкорлиги кенгаши аъзолари 2010 йилдан бошлаб ягона валютага ўтишга келишиб олишган эди. Аммо бу келишувга Уммон ва БАА қўшилмагач, келишув ўз кучини йўқотди. Эслатиб ўтамиз, мазкур мамлакатлар ичида Қувайтдан бошқа ҳаммасининг иқтисодиёти АҚШ доллари билан боғлиқ.

## DAEWOO асосчиси озод бўлади

**BBC News агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Янги йил арафасида Жанубий Корея ҳукумати дунёга машҳур Daewoo корпорацияси асосчиси Ким У Чхунга нисбатан амнистия актини қўллаган.**



**Маълумки, Ким У Чхун 2006 йилнинг майида жуда кўп миқдордаги пулларни ўзлаштиришда ва фирибгарликда айбланиб, саккиз йилга озодликдан маҳрум қилинган эди. Шунингдек, суд унинг зиммасига 17,9 триллион вон (тахминан 18,2 миллион АҚШ доллари) миқдоридаги зарарни ва 10 миллион вон жарима тўлаш мажбуриятини ҳам қўйган эди.**

**Аммо 2006 июн ойида суд 71 ёшли бизнесменнинг саломатлиги ёмонлашгани сабабли жазони ижро этишни тўхтатиб туришга қарор қилган эди. Амнистиядан кейин эса Daewoo корпорацияси асосчисига қамоқ жазоси умуман хавф солмайди.**

**Daewoo Жанубий Кореянинг йирик корпорацияларидан саналиб, тўқсонинчи йиллар охиридаги Осиё молиявий инқирози даврида банкротга учраган эди. Кейинроқ аниқланишича, бевосида Ким У Чхуннинг кўрсатмаси билан кредит ва давлат бюджетидан молиявий ажратмалар олиш учун ташкилотнинг молиявий кўрсаткичлари сунъий равишда ошириб кўрсатилган.**

**Daewoo инқирозидан кейин тергов ишлари бошланиши билан Ким У Чхун Жанубий Кореядан чиқиб кетади ва бир неча йил яшириниб юради. Бироқ 2005 йилда у ўз хоҳиши билан мамлакатга қайтиб келган ва ўзини суд ихтиёрига топширган эди.**

## ТАБИИЙ ОФАТ

«Новости» ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, сешанба куни Қирғизистонда содир бўлган зилзилалар оқибатида аҳоли уйлари ва мактаб биноси вайрон бўлган.

Қирғизистон Фавқулодда вазиятлар хизмати матбуот котиби Алишер Тошматовнинг айтишича, Ўш вилоятининг Қора-сув ва Нокат туманларидаги қишлоқларда тўртта уй ва қишлоқ мактаби бутунлай вайрон бўлган. Ўш шаҳрида эса саккизта кўпқаватли уйлар талофат кўрган.

Шу куни бир неча марта ер силкиниши содир бўлиб, уларнинг энг кучлиси Рихтер шкаласи бўйича 6 баллга тенг бўлган.

Маълумотларга кўра, аҳоли ўртасида жабрланганлар ва қурбонлар йўқ. Қирғизистон Фавқулодда вазиятлар хизмати ер силкиниши яна такрорланиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирмоқда. Шусиз ҳам аҳоли тез-тез такрорланаётган табиий офатдан хавотирга тушиб қолган.

Эслатиб ўтамиз, 26 декабрь куни ҳам Қирғизистонда 6,5 баллик ер силкиниши юз берган ва кўплаб иншоотларга талофат етган эди.

**«Internet» хабарлари асосида Шавкат ЁДГОРОВ тайёрлади**

### *Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!*

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси бўлим ҳарбий прокурори Сергей Никулинга волидаи муҳтарамаси **Клавдия НИКУЛИНА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси Термиз ҳарбий прокурори Ёқубжон Содиқовга опаси **Жамилахон ЮСУПОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

**Болалигим Ғаллаорол туманининг тоғли қишлоқларидан бирида кечган. Туман марказидан 60-70 чақирим узоқликдаги бу жойларда қиш қаттиқ бўлади. Совуқ кунлари одамлар зарурат юзасидангина туман ёки хўжалик марказига тушмаса, хеч ким эшик хатлаб кўчага чиқмайди. Печка ёнида телевизор кўриб ёки китоб ўқиб қиш завқини «суради».**



**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ**

# Бўрилар тунда ухламайдилар

Мактаб ўқувчиси эдим. 1969 йилнинг қиши қаҳрли келди. Баъзи жойларни том бўйи қор босди. Январь ойининг ўрталарида мактаблар ва баъзи ишхоналар ёпилди. Қишлоқларга ҳарбийлар танкларда келиб, туман маркази билан боғлайдиган йўлларни қордан тозалашди. Қаҳратон қиш нафақат одамларга, балки турли ҳайвонларга ҳам кўп ноқулайликлар олиб келди. Ўша пайтда тоғда оч қолган бўри галалари қишлоқларга оралай бошлади. Кимнингдир қўтонида қўйларини, кимнингдир қора молларини еб кетадиган одат чиқарди. Бу ҳақда бозорларда, кўча-кўйларда турли-туман миш-миш гаплар тарқалди.

Ўтган йили қишлоққа бориб қизиқ гапнинг устидан чиқиб қолдим. Укам Аслиддин ўзаро суҳбат асносида «бу йил ишларим зўр бўлади» деб қолди.

— Нега? — сўрадим ундан ажабланиб.

— Бўри кўрган одамнинг омади чопади дейишади-ку! Бир куни ҳали эшик ва деразалари қўйилмаган янги уйимизга бир бўри кириб олибди денг. Қизларим, дада, уйимизда бўри бор, деса ишонмадим. Бир ит кириб олгандир деган ўйда уйга кирсам, не кўз билан қарайки, бир кўк бўри ётибди. Яхшиямки қорни тўқ экан. У қўшни Турк қишлоғидаги икки оиланинг қўтонига кириб, 2 та сигир ва 3 та қўйни «тинчитиб» келаётган экан. Агар оч бўлгандами, худо кўрсатмасин.

— Қишда бўрилар қорин дардида қишлоқларга оралайди, — суҳбатимизга қўшилди Нурҳаёт овчи. — Илгари бўрилар фақат қаттиқ совуқлардагина қишлоқларга тушарди. Ҳозир куппа-кундуз ҳам «ташриф» буюрадиган одат чиқаришди. Нега деганда, олдин совхозларнинг сурув-сурув қўйлари тоғларда боқиларди. Бўрилар уларга ҳужум қилиб, қоринларини тўйдириб юришарди. Энди эса совхозлар тугатилиб, қўйларни «икки» оёқли бўрилар еб битиришди. Шунинг учун бўрилар очликдан қишлоқларга тап торт-май келмоқда. Илгари кўпчиликда ов милтиғи бўларди. Милтиқ товушини эшитган бўри қишлоққа доримасди.

— Итлар-чи? — сўрайман овчидан.

— Бўри билан тенгма-тенг олишадиган итларнинг зоти ҳам камайиб кетди. Сиртлон, Бўрибосар итлар бўларди. Ҳайбатидан одам ҳам қўрқарди. Ҳозирги итлар бўрининг ҳидини олиши билан молхонага ёки товуқхонага ўзини уради. Илгари қишлоққа бўри оралаганини сезган итлар ёппасига ҳуриб, одамларни огоҳлантирарди. Биргаликда қишлоқни офатдан сақларди.

— Ўзаро олишувда бўрини ўлдирган итга чўпонлар қўй сўйиб беришган деб эшитганман.

— Бу бор гап. Бўрини енгган итга янги сўйилган қўйнинг гўштини беришган. Ана шундай қилинмаса, итнинг тишлари тўкилиб кетади деган гап юради овчилар орасида.

— Бир чўпон билан суҳбатлашганимда баъзи итлар бўриларга қўшилиб кетади, деган гапни айтиб қолди.

— Бундай воқеаларни мен ҳам кўп эшитганман. Аслида бўри билан баъзи итларнинг фарқи бўлмайди. Чунки уларнинг аждоди бир. Баъзилар уйида қопоғон итларни боқишади. Улар бўридан хеч ҳам фарқ қилмайди, бегона кишини ғажиб ташлаши ҳам мумкин.

* * *

...1988 йилнинг декабри эди. «Туркистон» газетасида ишлардим. Таҳририят топшириғи билан Жиззах вилоятидаги «76-от заводи»дан репортаж тайёрлаш учун хизмат сафарига йўл олдик. Фотомухбир билан мени вилоят комсомол қўмитасидагилар туман марказида кутиб олишди. Совхоз марказида бизга хўжалик директори Мурод ака Хўжаев пешвоз чиқди. Сўнг у кишининг «УАЗ»ида тоққа жўнадик. 30-40 чақирим юргач, отлар уюрига дуч келдик. Фотомухбир «қуроли»ни ишга солди.

Мен эса хўжалик раҳбаридан мақолага керакли фактларни олдим, отбоқарлар билан суҳбатлашдим. Уюрлар ортидан юриб, вақт қандай ўтганини сезмай қолибман. Қиш кунлари эмасми, бирпасда кеч кириб қолди. «УАЗ»да яна туман марказига йўл олдик. Кўп ўтмасдан қоронғу тушди. Тунда тоғ йўллари ваҳимали кўринади. Ҳайбатли тоғлар устингизга бостириб келаётгандай, гўё. Автомашина чироғи қоронғуликни тиғдай кесиб борарди. Кутилмаганда ҳамманинг хаёлини бўриларнинг увуллаши бузди. Кўп ўтмай машина йўлини тоғдан тушаётган бўрилар тўдаси кесиб ўтди. Тўғриси бироз ваҳимага тушдик.

Мурод ака рацияда отбоқарлар билан боғланди.

— Биз йўлда бўрилар галасини кўрдик. Уюрларни пастки Каттабулоқ томонга ҳайданглар. Чўпонларни ҳам огоҳлантиринглар. Қўралар ёнига олов ёқсин.

Бироз юрганимиздан сўнг тоғ бағридаги тошдан қурилган якка уйга дуч келдик.

— Тоққа чиқиб, бир пиёла қимиз ичмай кетсак адолатдан бўлмас, — деди Мурод ака кулиб. Сўнг бизни отбоқарнинг уйи томон бошлади. Ичкаридан бола кўтарган 25-30 ёшлардаги бир аёл чиқди.

— Асқар қани? — сўради директор.

— Уюрни қайтаришга кетди. Тоғдан бўрилар тушибди. 3-4 кун олдин тунда уларнинг овозини эшитгандик. Хўжайин қўра олдига олов ёқиб, сўнг уч-тўрт марта ўқ узди. Шундан сўнг бўрилар «Баланд чўққи» томон кетишди, шекилли, — деб бизни уйга таклиф қилди. Отбоқарнинг хотини айтган бу гапларни эшитган шаҳарлик фотомухбир «тахта» бўлиб қолганди.

Буни кўрган директор фотомухбирга ҳазиллашди.

— Бўрилар еб кетмасдан тезроқ уйга кирайлик, — деди.

Кўп ўтмай уйнинг эгаси — отбоқар Асқар ака келди. Директор бизни улар билан таништирди. Суҳбат авжига чиқди. Гап яна бўриларга бориб тақалди.

— Кеча кечқурун Жийрон қашқа билан Сариқ дев қўрага қайтмади. Жийрон қашқа бўғоз эди. Кулунлаб қолган бўлса, бирон дарада боласининг ёнида ётгандир деб отни миниб уюр келган томонга жўнадим. Яхшиям қўшотарни эгарга илдириб олган эканман. Қўш сойдан ўтсам не кўз билан кўрайки, бешта бўри Жийрон билан Сариқ девни ўраб олибди. Жийрон қашқа қулунлаган экан. «Ота-она» жониворлар боласини қўриқлаётган экан.

Фонарни ёқиб, осмонга қараб икки марта ўқ уздим. Шундан сўнг бўрилар тоққа қочиб кетди.

— Бўриларни отиб ташламадингизми? — деди ранги оқариб кетган фотомухбир отбоқарга қараб.

— Уларга тегиниб бўлармиди. Бўри ўз номи билан бўри-да. Улар ўч олишади. Бирontаси жароҳатланса, қолганлари ҳужум қилишади.

— Бўрилар йўлда бизни пойлаб турган бўлса, нима қиламиз,— дедим ҳазил аралаш директорга кўз қисиб.

— Бугун Асқар аканинг уйида меҳмон бўлиб, эрталаб йўлга чиқсак қандай бўларкан, — деди фотомухбир ранги оқариб...

* * *

Ҳарбий хизматни Узоқ Шарқда ўтаганман. У юртларда октябр ойидан совуқ тушади. Қуёш май ойининг ўрталаригача деярли кўринмайди. Чиллада совуқ 40-50 даражага етади. Тупугингиз ерга муз бўлиб тушади. Ана шундай кезларда қишки синов машқлари аҳоли яшайдиган жойдан 100-200 чақирим узоқликдаги ўрмонлар орасида ўтказиларди. Қаҳратон совуқда ўтказиладиган бу машқлар жонни қийноққа солишдан бошқа нарса эмас. У ерларда тундаги сукунатни қорни кўтара олмаган дарахтларнинг қарсиллаб синиши, совуққа чидай олмаган қарғаларнинг «зор»ланиши бузади. Тонгга яқин эса Сибир бўрилари овқат ҳидини сезиб, казармалар атрофида изғишади. (У ерда катта қозонларда 400-500 нафар аскар учун овқат тайёрланарди). Лекин командирлар бўриларни отишга рухсат бермасди. Чунки ҳар бир ўқ ҳисоб-китобли. Тундаги суҳбатларда деҳқонободлик ҳамроҳим Тўхтамиш бўрилар ҳақида бир-биридан ваҳимали воқеаларни айтиб берарди...

- 1967-68 йиллар... Отам чўпон бўлгани учун тоғда қўй боқардик. Ўша йиллар қор кўп ёғди. Емхашакнинг таги кўриниб қолганди. Қўйлар энди қўзилаётган давр эди. Қиш кунлари совхоз марказидан ёрдамчиларнинг чўпонлар ёнига келиши қийин бўларди. 2-3 кунда занжирли тракторларда емхашак, егулик ва кийим-кечаклар келтириларди. Январь ойининг охирларида тунда қўтонимизга бўрилар ҳужум қилди. Тўрт итимизни ҳам бўрилар ўлдириб, йигирмага яқин қўйларни бўғизлаб кетди. Бу ҳол бир неча марта такрорланди. Отам туман раҳбарларидан ёрдам сўради. Улар бизга овчилар гуруҳини жўнатишди. Улар ўн бешга яқин бўрини ўлдиришди. Лекин нимагадир тоғда бўрилар камаймасди. Баҳор ойларида ҳам бўрилар куппа-кундуз отарларимизга ҳужум қиладиган бўлди. Апрель ойларининг ўрталарида уйимизга бир овчи келиб, қўтондан 15-20 чақирим наридаги Қорли чўққининг тагида бўриларнинг ини борлигини айтиб қолди.

Овчилар билан айтилган жойга етиб бордик. Мен унда 9-10 ёшларда эдим. Онамнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, отам мени мотоциклнинг орқасига ўтказиб олганди. Бўриларнинг инига бордик. Лекин бўрилардан асар ҳам йўқ эди. Кекса бир овчи «ғорнинг оғзига ўт ёқиш керак», деди. Шундай қилинди. Ярим соатлардан сўнг ғор ичидан тўртта бўри чиқиб келди. Овчилар милтиқларни ўқлаб тайёр туришган эди. Кетма-кет ўқ узиб, бўриларни ер тишлатишди. Орадан беш-ўн дақиқа ўтгач, иккита бўри боласи ғордан чиқиб келди. Биз бўри болаларини олиб уйга қайтдик. Уларга сигир сутини бериб катта қилдик. Кейинчалик улар итларга эргашиб отардаги қўйларнинг орасида юрадиган бўлди.

Отам бир куни: «Энди бўри болаларини йўқотиш керак. Чунки улар хеч қачон одамга дўст бўлмайди. Бўри-бўри-да», деди. Лекин отамнинг гапига кирмай уларни тоққа қўйиб юбордик.

Отамнинг гапи рост чиқди. Орадан 2-3 йил ўтгач, тунда ўша бўрилар ўзимизнинг отарга ҳужум қилиб, 5-6 қўйни бўғизлаб кетди. Отам бизни шунда кўп койиганди. Кўп ўтмай отам отарни хўжаликка топширди. Биз туман марказига кўчиб келдик. Чўпонларнинг айтишича, ўша бўри болалари ўзлари туғилган инда яшаётган экан.

* * *

Ротамизда Фирдавс исмли тожик йигит ҳам хизмат қиларди. У Тожикистоннинг Помир тоғи яқинидаги қишлоқда яшашини айтарди. Бир куни гап мавзуси яна бўриларга бориб тақалди.

— Бўрилар қонхўр бўлади. Одамзод унга тегинса албатта ўч олади, — деди у.

Қишлоғимизда Одил овчи деган киши бўларди. Уни «Бўри овчи» деб ҳам аташарди. Овга чиқса, ўлжасиз қайтмасди. Кийик, ёввойи эчки унинг ўқидан қочиб қутула олмасди.

Уйи ҳам қишлоқнинг четида эди. Қишлоққа ризқ излаб тоғдан тушган бўрими, тулкими, унинг уйининг ёнидан ўтиб қишлоққа келарди. Қиш кунлари уйининг томида ов милтиғини ўқлаб ўлжа пойлаб ётарди. Мерган бир ўқ билан ҳар қандай ҳайвонни ер тишлатарди. Янги йил олдидан бир катта она бўрини отиб уйининг олдига осиб қўйди. Ўша кундан сўнг қишлоқдагиларнинг молларига қирон келди. Гала-гала бўрилар қишлоққа ҳужум қиладиган одат чиқарди. Қишлоқ катталари ҳукуматдан ёрдам сўрашди. Кейин нима бўлди дейсизларми? Бир куни тунда бўрилар Одил овчининг уйига кириб, уни тилка пора қилиб ташлади. Шундан сўнг нимагадир бўрилар қишлоққа оралашмай қўйди.

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-98-82, 133-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks:133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 56. 26710 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: Y.PARDAYEV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 20.30 1 2 3 4 6 7 8